СУВ ТОШҚИНИДАН ЗАРАР КЎРГАНЛАРГА ЁРДАМ
3-бет

ҲОКИМЛИК ВА ЖАМИЯТ ОРАСИДАГИ КЎПРИК
4-бет

“ҲАШАМАТЛИ ҲАЁТ СИНДРОМИ...”
7-бет

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TÚRKISTAN

Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 20 апрель, шанба, №44 (3390).

Президент

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ҚАСИМ-ЖЎМАРТ ТЎҚАЕВ САХА РЕСПУБЛИКАСИ РАҲБАРИ АЙСЕН НИКОЛАЕВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозоғистон ва Саха Республикаси (Ёқутистон) ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар жадал ривожланиб бораётганини таъкидлади. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада ошгани бунинг ёрқин далилидир.

Қозоғистон Президенти учрашувда ҳар томонлама стратегик шериклик давом этаётганини таъкидлади.

Учрашув аввалида Айсен Николаев Қасим-Жўмарт Тўқаевга ҳар доимгидек самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, мамлакатлар ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг бугунги ҳолатини юксак баҳолади.

– Республикангизга, ёқут халқига эҳтиром ва эзгу тилакларимни билдираман. Икки халқнинг умумий жиҳатлари кўп. Шунингдек, сўнгги йилларда муносабатларимиз янги босқичга кўтарилганини таъкидламоқчиман, – деди Қ. Тўқаев.

Давлат раҳбари Қозоғистонда Саха Республикаси кунларини нишонлаш ташаббусини қўллаб-қувватлади. Унинг доирасида маданий ва спорт тадбирларини ташкил этиш, Ёқутистоннинг сармоявий ва сайёҳлик салоҳиятини намойиш этиш режалаштирилган.

Айсен Николаев Қасим-Жўмарт Тўқаевга кўрсатган эҳтиром учун миннатдорчилик билдириб, Саха Республикаси билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига ишонч билдирди.

– Саха Республикаси Қозоғистон–Россия савдо алоқаларини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича Қозоғистон ва Россия президентлари даражасида эришилган келишувларни амалга оширишнинг бориши кўриб чиқилди.

Йил давомида Қозоғистон ва Саха Республикаси ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 2 баравар кўпайиб, 160 миллион доллардан ошди. Шунингдек, ушбу мамлакатнинг ғарбий қисмида юз берган табиий офат билан боғлиқ оғир дамларда Қозоғистон халқини қўллаб-қувватлашга тайёрмиз ва сув тошқини туфайли юзага келган қийинчиликларни тезроқ енгиб ўтишини тилайман, – деди А. Николаев.

Учрашувда қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон саноати, рақамлаштириш ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

Рақамлаштириш соҳасида тажриба ва технологиялар алмашиш, Қозоғистон ва Саха Республикасининг илмий-тадқиқот институтлари ҳамда таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар етказиб берилаётган товарлар ва хизматлар турларини кенгайтириш, ишбилармон доиралар ўртасида бевосита алоқаларни йўлга қўйиш борасидаги қўшма тадбирларни фаоллаштириш режаларини тасдиқладилар.

Икки давлат раҳбарлари тадбирларга бой ва серқирра маданий-гуманитар ҳамкорликка юксак баҳо бердилар.

Akorda.kz.

ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги 826-сонли “Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида” Фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Дархан Амангелдиули Сатибалдининг Жетисай тумани аҳолиси билан учрашуви 2024 йил 26 апрель куни соат 11.00да Маданият уйи биноси (Жетисай шаҳри, Амангелди кўчаси, 9 а уй)да, шунингдек, минтақа раҳбарининг шахсий қабули ушбу манзилда соат 12.00да ўтади.

Қабулга аввалдан ёзилиш 8(72533) 5-98-99, 5-93-97 алоқа телефонлари ҳамда «Е-өтініш» ахборот тизими орқали соат 09.00дан 19.00 оралиғида (тушки танаффус соат 13.00-15.00)гача амалга оширилади.

Тегишли ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатиш мақсадида ариза берувчининг исми-шарифи, савол мазмуни, манзили, алоқа телефони ҳамда электрон почтаси (мавжуд бўлса) аниқ кўрсатилиши шарт.

● Обуна–2024

Қадрли газетхон!

“Жанубий Қозоғистон”

рўзномасига обуна бошланди.

Ҳиммат кўрсатаман, деганлар нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни газетага обуна қилишда ҳомийлик қилишлари мумкин.

Ягона мақсадимиз – газетанинг ададини ошириб, кейинги авлодга ёруғ юз билан етказиш. Бунинг учун миллий ғурури юксак инсонлар сафини кенгайтириш лозим. Ана шу эзгу мақсад йўлида барчамиз бир тан, бир жон бўлиб, аҳилликда бирлашсак, нур устига аъло нур бўларди. Токи тарих, маданият, маърифатни улуғлаган халқимизнинг зиёга чанқоқлиги барчага ибрат бўлсин.

6 ойга обуна баҳоси:
«Қазпошта» ҲЖ орқали –
Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;
Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

Ватан – кўнгилдадир, кўнгил – ватанда

ОБИДАЛАР ОБОДЛИГИ – ЮРАКДАГИ МЕҲРДАН

Истиқлолнинг ҳар бир йили улуғ бунёдкорлик ишлари, мамлакатимизнинг ҳар томонлама юксалиш довонлари билан мустақил Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда. Кундан кунга чирой очиб бораётган Туркистон ҳам тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, узоқни ўйлаб тузилган режа асосида изчил ривожланиб, замонавий шаҳарга айланмоқда. Муҳташам иншоотлар, уй-жойлар, ижтимоий иншоотлар, йўл ва кўприклар, сўлим боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда.

Ўтган йили вилоят ҳокими Дархан Сатибалди Туркистоннинг марказий кўчаларида яқин келажакда 10та боғ ва хиёбон барпо этилишини маълум қилган эди. Улуғ ниятлар амалга ошиб, хиёбонлар барпо этилиб, 7200 кв.м майдонга дарахт ва гуллар ўтқазилди.

Шунингдек, ўйингоҳлар, тунги чироқлар ўрнатилди. Айни пайтда ҳудудда “Тоза Қозоғистон” экологик лойиҳаси доирасида ободонлаштириш билан бир қаторда тозалаш, кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Шаҳар истироҳат боғида ободонлаштириш, суғориш тизими, фонтанлар, аттракционларни ўрнатиш, кўчатлар ўтқазиш ишлари юритилмоқда. Иншоотлар қурилиши жадвал асосида юритилмоқда.

Вилоят ҳокими Д. Сатибалди бошлаган мутасадди соҳа раҳбарлари вилоят марказидаги қурилиш майдонларини оралади. У қурилиш ишларининг боришини кўздан кечириб, пудратчи ташкилотлар масъулларига ишни жадаллаштиришни топширди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Ердаулет Сағиндиқ тасвирга олган.

Саховат

ҲОМИЙЛАР УЙ СОВҒА ҚИЛИШДИ

Туркистон шаҳрида ижтимоий ёрдамга муҳтож уч оилага ҳомийлар ҳисобидан уч хонали уйлар совға қилинди. Улар электр тармоғи, табиий газ ва ичимли суви тизимига уланган.

Бошпанали бўлган оилаларнинг қувончига шерик бўлган вилоят ҳокими Дархан Сатибалди ва шаҳар ҳокими Нурбўл Турашбеков эзгу тилакларини билдиришди.

Муқаддам ушбу оилалар аъзолари вилоят ҳокимининг қабулида бўлиб, бошпана харид қилишга ёрдам сўрашган эди.

Бошпана калитлари хонадон эгаларига топширилиб, оила аъзолари ҳомийларга миннатдорчилик билдиришди.

Ҳозирги кунда вилоят марказида уйга навбатда 17 мингга яқин киши рўйхатга олинган. 2014 йилдан буён Туркистон шаҳрида навбат асосида 3298та бошпана берилиб, улардан 50таси ҳомийлар ҳисобидан топширилган.

Вилоят ҳокими матбуот хизмати.

Сув тошқинлари

ҚУТҚАРИЛГАНЛАР СОНИ 117 617 КИШИГА ЕТДИ

Қозоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг маълумотларига кўра, республикада сув тошқинлари пайтида қутқарилганлар сони бугунга қадар 117 617 нафарга етди.

"Фуқаро мудофааси хизматлари томонидан 117 617 киши, жумладан, 43 887 нафар болалар қутқарилди. 113 852 бош қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари хавфсиз жойга кўчирилди. 18 651 нафар фуқаро ўз уйига қайтди. Эвакуация пунктларида 6932 киши, жумладан, 3143 нафар болалар бор", дейилади хабарда.

Жабрланган ҳудудларга 4211 тонна инсонпарварлик ёрдами етказилди.

24.kz.

АҚШнинг Қозоғистондаги элчиси – Оролда

Қозоғистон Республикаси Экология ва табиий захиралар вазирлиги вакили АҚШнинг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Дэниел Розенблюм ва USAID Халқаро тараққиёт агентлиги минтақавий миссияси директори ўринбосари Моник Мосольф билан Орол денгизининг қуриган тубига борди.

“Халқаро ҳамжамият Орол денгизининг тортилишини инсоният тарихидаги экологик таназзуллардан бири сифатида баҳолади. Қуруқ денгизнинг таъсири нафақат минтақа ёки бир давлат, балки бутун дунёга таъсир кўрсатмоқда. Ушбу хизмат сафари давомида у Оролнинг бугунги ҳолати ва амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишди”, дейилади хабарда.

Эслатиб ўтамиз, 2021-2023 йилларда USAID Халқаро тараққиёт агентлигининг «Oasis» лойиҳаси доирасида Орол денгизининг қуриб қолган ҳудудида экотизимни тиклаш мақсадида 150 гектар майдонга саксовул уруғи ва кўчатлар экиш ишлари олиб борилди.

Давлат раҳбари 2021-2025 йилларда Орол денгизининг қуриб қолган 1,1 млн. гектар тубига саксовул кўчатлари экишни топширди. Жорий йилда бу борадаги ишлар 276,2 минг гектар майдонда амалга оширилади. Ҳозир 65 минг гектарга 19,4 млн. туп саксовул кўчатлари экилган бўлса, келгуси йилда 280 минг гектар майдонга экилади.

24.kz.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

ОЛТИН ҚАНОТ ҚУШЛАР УЧСИН...

ТУРКИСТОН ШАҲРИДАГИ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТНИ ТУРИЗМ ЙЎНАЛИШИГА МУВОФИҚ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди раислигида Туркистон шаҳридаги халқаро аэропортни ривожлантириш ва салоҳиятини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зулпихар Жўлдасов ҳамда аэропортга масъул вакилларнинг ҳисоботлари ва режалари тингланди. Вилоят ҳокими аэропортни ривожлантириш режасини сайёҳлик билан мувофиқлаштириш зарурлигини айтди. Қолаверса, ҳозирги кўрсаткичлар қониқарли эмас.

– Йўловчилар транспорти ва сайёҳликка масъул бошқармалар биргаликда режа ишлаб чиқиб, уларни тизимли йўлга қўйишлари керак. Аэропорт имкониятидан унумли фойдаланиш керак. Бунинг учун янги сайёҳлик йўналишлари, иншоотлар, ғоялар керак. Раҳбарлик масъулияти зиммангизга юклангач, давлатнинг ишончини оқлашингиз лозим. Аэропорт раҳбарияти аэропортни ривожлантириш, даромадини ошириш, йўловчилар оқимини кўпайтириш устида ишласин. Хорижий тажрибаларни ўрганинг, халқаро авиакомпаниялар билан алоқаларни мустаҳкамланг, – деди Дархан Сатибалди.

“Ҳазрат Султон” халқаро аэропорти орқали 4та халқаро (Истанбул, Қувайт, Абу-Даби, Самарқанд) ҳамда 6та республикалараро (Астана, Алмати, Ақтов, Ақтўбе, Ўрал, Қўстанай) ҳаво йўналишлари бўйича парвозлар амалга оширилмоқда. Рейсларни “Turkish Airlines”, “Jazeera Airways”, “Wizz Air Abu Dhabi”, “Fly Arystan”, “Scat”, “Qazag Air” компаниялари амалга оширмоқда. Аэропорт ҳафтасига 32 рейсни қабул қилади. Унда ўтказиш қобилияти соатига – 450, йилига 3 миллион йўловчи (халқаро – 65,1 минг йўловчи, ички – 294,4 мингдан зиёд)ни ташкил этади.

Мажлисда соҳага масъул шахсларнинг режалари, таклифлари тингланди. Махсус сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш, сайёҳларни жалб қилиш муҳимлиги айтилди. Шунингдек, халқаро йўналишлар сонини оширишга доир музокаралар давом этади.

МИНТАҚАВИЙ ОАВда АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

Алмати шаҳридаги “Дўстлик уйи”да Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан ташкил этилган минтақавий даврий нашрларнинг II республика анжумани ўтди. Икки кунга мўлжалланган кенг кўламли тадбирда мамлакатимиз минтақаларидан ахборот соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшаётган 100дан зиёд оммавий ахборот воситалари мутахассислари иштирок этди.

Анжумандан кўзланган мақсад – замонавий оммавий ахборот воситалари соҳасида тажриба алмашиш, даврий нашрлар соҳасидаги долзарб масалалар бўйича мунозара майдончасини ташкил этишдан иборат эди.

Тадбирнинг биринчи кунида “Нашрларда онгли медиа ва ахборот саводхонлигини шакллантириш”, “Босма нашрларни оммалаштириш ва тарқатиш: минтақавий жиҳатлар” ҳамда “Соҳа журналистикаси” мавзуларида сессиялар ташкил этилди.

– Оммавий ахборот воситалари халқ ва ҳукумат ўртасидаги олтин кўприкдир. Шунинг учун давлат доим оммавий ахборот воситаларининг эркин ва сифатли фаолиятини қўллаб-қувватлайди. Журналистнинг фикрлаш даражаси, дунёқараши ва билими замонга мос бўлиши даркор. Умид қиламанки, икки кунлик анжуман минтақалардаги ахборот вакиллари учун самарали ва фойдали бўлади, – деди ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги ахборот қўмитаси раиси Мейирлан Раханов.

ҚР Парламент Сенати депутати Нуртўре Жусип, Парламент Мажлиси депутатлари Қазибек Иса ва Ермурат Бапи, ҚР Президенти матбуот котибининг ўринбосари Ержан Байтилес, Алмати шаҳри Ижтимоий тараққиёт бошқармаси раҳбари Айдар Есенбековлар сўзга чиқишди.

“Alatau Aqparat” медиахолдинги Бош директори Ержан Қалимбайули ҳам сўзга чиқиб, минтақавий оммавий ахборот воситаларида ахборот саводхонлиги ва сифатини яхшилаш юзасидан ўз фикрлари билан ўртоқлашди.

Анжуманда Туркистон вилоят «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетасининг бош муҳаррири Райимжон Алибоев ҳам иштирок этди.

Тадбирда “Жас алаш” газетасининг Бош муҳаррири Алмас Нусип ва “Мысль” журналининг Бош муҳаррири Асил Сағимбаев таҳлилий мақола ёзиш услуби ҳақида, филология фанлари доктори Ўринай Жубаева эса матбуот саҳифаларида нотўғри ишлатилган сўз ва иборалар ҳақида фикр юритди.

Ва бугунги кунда интернет захиралари ва ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар оқими орасида даврий нашрларнинг рақобатбардошлигини ошириш, босма нашрларда YouTube каналини ривожлантириш, сунъий заковат, мафкуравий шароитлар ва нашрларда болалар контентини шакллантириш дастаклари бўйича ғоялар муҳокама қилинди.

«Жанубий Қозоғистон» мухбири.

Ҳашар – элга ярашар

ОБОДОНЛИКДАН КЎНГИЛЛАР ЗАВҚҚА ТЎЛСИН ДЕБ

Сайрам туманида “Тоза Қозоғистон” республика экоакциясининг “Муқаддас макон” ҳафталиги поёнига етмоқда. Қорамурт қишлоғидаги “Жанис баба” мақбарасидаги шанбалик ишларига 50 нафарга яқин одам иштирок этди. Мақбара воиз, истеъдодли саркарда ва юрт бошқарган Жанис бобо хотирасига бағишлаб, 2004 йили барпо этилган (меъморлар етакчиси А. Азимбаев). Иншоотнинг баландлиги 27 метр, гумбаз доираси 9 метр.

Бу Жанис бобонинг саккиз нафар фарзанди бўлган. Мақбаранинг 8та қиррасида авлоднинг шажараси ёзилган.

Акция доирасида муқаддас қадамжода оммавий шанбалик уюштирилиб, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. “Жанис баба” мақбараси ҳудудида ободонлаштириш, пардозлаш, тозалаш ишлари юритилди. Шанбалик ишларига Қорамурт қишлоғи ҳокимлиги ходимлари, унинг номидаги кўчада истиқомат қиладиган фуқаролар ҳамда қишлоқ фаоллари иштирок этди.

САКСОВУЛЗОРЛАР МАЙДОНИ КЕНГАЯДИ

Вилоятимизда саксовулзорлар майдони кенгаймоқда. Энг катта саксовулзор Сўзоқ туманида жойлашган.

Давлат раҳбарининг топшириғига мувофиқ, республиканинг ўрмон жамғармаси ҳудудига 5 йилда 2 млрд. туп кўчат ўтқазишининг ижроси доирасида Сўзоқ ўрмон хўжалигига тегишли 32 минг гектар ерга 41 млн. кўчат ўтқазиш вазифаси белгиланган. Топшириқнинг ижросини таъминлаш мақсадида тегишли ишлар олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган ишлар билан вилоят Табиий захиралар ва табиатдан фойдаланишни созлаш бошқармаси раҳбари ўринбосари Ақжайиқ Хаметова танишди.

Саксовул – хислатли дарахт. Унинг табиатга фойдаси катта. Қум кўчкисини саксовул тўхтатади. Айни дамда чўл ҳудудида қум кўчкиси бошланган. “Сўзоқ ўрмон ва жониворлар дунёсини муҳофаза қилиш бўйича давлат муассасаси”га қарашли ўрмон жамғармасининг майдони 1 миллиондан зиёд гектар ерни ташкил этади. Келгусида ушбу майдоннинг 135571 гектари саксовулзорга айлантирилади.

Тоза Қозоғистон

САРИШТАЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Вилоятда машҳур Шубайқизил тепалигида тозалик ишлари олиб борилди.

Тулкибош туман “Ёшлар имконият маркази” ташаббуси билан “Тоза Қозоғистон” республика акцияси доирасида ўтказилаётган “Муқаддас макон” ҳафталиги тумандаги тарихий тепалик – Шубайқизилда давом этиб, у ерда кенг миқёсда ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Бу тепаликда Қозоғистоннинг “Қизил китоб”ига киритилган Грейг лоласини учратиш мумкин. Асрлар давомида “Красная горка” кейинроқ “Қизыл төбешік” деб ном олган масканга ёзувчи Мархабат Байғут ташаббуси билан “Шубайқизил тепалиги” деб ном берилган.

Тадбир доирасида тепалик турли чиқиндилардан тозаланиб, дарахтларга шакл берилди. Тадбирда кўнгилли ёшлар ва маҳаллий фуқаролар иштирок этди.

Тулкибош тумани ҳокимининг матбуот хизмати.

Давлат дастури ижроси

ХОТИН-ҚИЗЛАР ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Туркистон вилояти ҳокими ўринбосари Бейсенбай Тажибаев раислигида Туркистон вилояти ҳокими ҳузуридаги Хотин-қизлар ишлари ва оила-демографик сиёсат бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ўтди.

Унда ҚР Президенти ҳузуридаги Хотин-қизлар ва оила-демографик сиёсати бўйича Миллий комиссия аъзоси, Туркистон вилояти комиссия раҳбари Баян Жандўсова ҳамда вилоят комиссияси аъзолари, ваколатли орган ходимлари, туман, шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари ва комиссия аъзолари масофадан иштирок этишди.

Кун тартибида 6та масала кўриб чиқилди. Учрашув давомида ваколатли муассасалар ва тегишли идоралар вакиллари маъруза қилдилар. Минтақада хотин-қизлар ўртасида ишсизликни камайтириш бўйича режалаштирилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Шунингдек, ҳуқуқбузарлик ва зўравонлик ҳолатлари тўғрисида маълумотлар берилди ва аёлларнинг репродуктив саломатлиги, шунингдек, она ва бола ўлимининг олдини олиш муаммолари ҳақида фикр юритилди. Қишлоқда хотин-қизларнинг ҳаёт сифати ва репродуктив саломатликни яхшилаш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий шароитларни ва захиралардан самарали фойдаланиш йўллари таклиф этилди. Вилоят ҳокими ҳузуридаги Хотин-қизлар ишлари ва оила-демографик сиёсат бўйича комиссиянинг иш режаси янги таҳрирда кўриб чиқилди.

«МУҚАДДАС МАКОН» ҲАФТАЛИГИ

Вилоятимизда “Тоза Қозоғистон” республика экологик акцияси доирасида “Тоза ўлка” ҳафталиги поёнига етиб, “Муқаддас макон” ҳафталиги бошланди.

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалдининг раислигида ўтган девон мажлисида мазкур экоакция доирасида бажарилаётган ишларнинг ҳисоботини тинглади. Вилоят раҳбари эзгу ишни имкон қадар юксак даражада ўтказиш ва барча тузилмаларни бунга сафарбар этишни топширди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зулпихар Жўлдасов туман, шаҳарни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалик ишлари ҳақида маъруза қилди. Таъкидлаш жоизки, “Муқаддас макон” ҳафталигида Туркистон вилоятида 170та тадбир ўтказиш режаланган. Шу жумладан, зиёратчилар ва сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган Саврон шаҳарчаси, “Уккоша ота” ва “Юсуф ота” мақбараси, “Йиғлоқ ота” мақбараси сингари муқаддас қадамжолар тозаланади.

ИШБИЛАРМОНЛАР ТАШАББУСИ

Тулкибош туманида “Тоза Қозоғистон” акциясига қишлоқнинг ишбилармонлари ҳам ҳисса қўшмоқда.

Чунончи, туман ҳокимлигининг ташаббуси билан Балиқти қишлоғининг вакиллари кўча бўйларига қарийб 6 млн. тенгега 355 туп қайин ва олхўри ва турли манзарали дарахт кўчатларини ўтқазишди.

БИЗ – БИРГАМИЗ!

Ҳурматли ҳамюртлар!

Маълумки, элимизнинг Абай, Ақмўла, Ақтўбе, Атиров, Ғарбий Қозоғистон, Қарағанди, Қўстанай, Павлодар, Шимолий Қозоғистон ҳамда Улитов вилоятлари аҳолиси сув тошқинидан азият чекиб, улкан талофатга мубтало бўлди.

Шу боис, ушбу минтақаларда юзага келган вазият ҳамда қабул қилинаётган қарорлар юзасидан Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Кемелули Тўқаев халққа Мурожаат йўллади.

Давлат раҳбари жорий йилги сув тошқини ҳажми жиҳатидан сўнгги 80 йилдан буён юз берган энг йирик табиий офат эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, Президент ягона эл, ягона халқ бўлиб, ушбу офатни албатта енгишимиз, сув ювиб кетган уйларни тиклаш, оғир пайтда бир ёқадан бош чиқариб, жабрланганларга кўмаклашиш муҳим эканлигини таъкидлади.

Албатта, бундай синовли кунларда Президентимизнинг сўзлари юртдошларимиз қалбида келажакка ишончни орттириб, куч-ғайрат ва рағбат бўлади, деб ўйлайман.

Бугунги кунда Давлат раҳбарининг бевосита назорати остида Республика штаби иш олиб бормоқда. Ҳукумат томонидан сув тошқинининг оқибатларини бартараф этиш учун барча зарур чоралар кўрилиб, тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, барча минтақалар азият чеккан фуқароларга имкон қадар ёрдам беришмоқда.

Ҳозирги кунда вилоят ҳокими Дархан Сатибалди бошчилигидаги мутасадди тузилмалар ва вилоят, шаҳар, туман маслаҳати депутатлари, “AMANAT” партияси ҳамда бошқа партиялар, вилоят “Атамекен” тадбиркорлар палатаси, тадбиркорлар, жамоат ташкилотлари, Қозоғистон халқи Ассамблеяси, ёшлар ва кўнгиллилар, оддий фуқаролар ҳам талофат кўрган минтақаларга молиявий ва инсонпарварлик ёрдамларини жўнатишмоқда. Бугунги кунда Туркистон вилоятидан 561 тонналик ёрдам жўнатилди.

Моддий ёрдамдан ташқари, 1та автобус, 9та енгил автомашина билан минтақанинг кўнгилли ёшлари тошқин юз берган ҳудудларга борди. Шунингдек, қурилиш ишлари учун самосвал, кран каби 105та техника ёрдамга жўнатилди. Вилоят, туман ва шаҳар маслаҳати депутатлари томонидан жами 37 млн. тенге маблағ тўпланди. Унинг 27 млн. тенгеси – вилоят, 11 млн. тенгеси туман ва шаҳар депутатларининг ҳиссаси.

Сув тошқинидан зарар кўрган ҳамюртларимизга ёрдам кўрсатаётган вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари аҳолиси, муассасалар ҳамда халқни, ҳамжиҳатлик ва тотувликка чорлаган қарияларимизга миннатдорчилик билдирамиз.

Аҳвол жуда мураккаб. Аммо биз биргаликда бу қийинчиликни енгамиз. Арисдаги портлаш, Мақтааралдаги сув тошқинини ҳам бошимиздан кечирганмиз.

Қадрли туркистонликлар!

Барчангизга кўрсатаётган ёрдамингиз учун чин дилдан миннатдорчилик билдирамиз. Шундай оғир даврда ватандошларимизни қўллаб-қувватлашимиз жуда муҳим.

Нурали АБИШОВ,
вилоят маслаҳатининг раиси.

ҚУТҚАРУВЧИЛИК – ШАРАФЛИ КАСБ

Инсон ҳаётини сақлаб қолиш юксак масъулиятли вазифа. Айни дамда табиий офат ҳолатида инсонга ёрдам қўлини чўзиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайдиган иш. Шу боис ҳамюртларимизнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ўз жонини хатарга тикиб хизмат кўрсатаётган қутқарувчиларларнинг фаолияти билан танишиш мақсадида Туркистон вилоят маслаҳатининг раиси Н. Абишов бошлаган вилоят маслаҳатлари депутатлари, вилоят Фавқулодда вазиятлар департаментига борди.

– Халқ ноиблари Сулеймен Аристанов, Қалийма Жантўреева, Бекарис Шўйбеков замонавий техникалар билан жиҳозланган муассасанинг янги иморатини оралаб, унинг фаолияти билан танишишди. Депутатларга даставвал, 39-сонли ихтисослаштирилган ёнғин ўчириш бўлимининг олдида махсус автомашиналар ва офат ҳолатида қутқариш воситалари таништирилди.

Сўнг департамент девонининг бошқарма, бўлим бошлиқлари билан махсус учрашув ўтди.

Вилоятда жами 40та ўт ўчириш депоси мавжуд. Муассасага қўшимча яна 31та ўт ўчириш депоси жоиз.

Айни дамда Туркистон вилояти Фавқулодда вазиятлар департаменти тузилмавий бўлимларида 1632 ходим фаолият юритмоқда.

Шу билан бирга, 203та ўт ўчириш техникаси мавжуд.

Жорий йилнинг 3 ойида вилоятимизда 141та фавқулодда ҳолат юз берган. Жабрланганлар сони 34 кишини ташкил этса, ҳалок бўлганлар 8 нафар. Моддий зарар 261 420 минг тенгени ташкил этади. “112” тезкор хизмати фуқаролардан 56 959та ва “101” рақами орқали 27 909та қўнғироқ қабул қилган.

2023 йили лизинг дастурига кўра, маҳаллий бюджетдан умумий қиймати 2 млрд. 569 млн. 837 минг тенгега 25та бирлик ўт ўчириш техникаси харид қилинган.

Қутқарувчилар билан ўтган йиғинда вилоят ФВД бошлиғи Асқар Даулетбайули депутатларга жорий йилнинг 1-чорагида амалга оширилган ишлар хусусида баёнот берди. Муассаса ишларининг натижасига тўхталди.

– Бугунги кунда кимёвий хавфли иншоотларга яқин ҳудудда яшайдиган аҳолининг 83,3 фоизи етарли воситалари жамғармаси мавжуд.

Ҳисобот даврида иш-ҳаракатларни ўргатиш мақсадида турли босқичда 8556та ўқув машғулотлари ўтказилди, – деди у.

Вилоятда 48124та иншоот ёнғин хавфсизлиги соҳасининг назоратида. Баҳорги сув тошқинининг олдини олиш мақсадида сув хўжалиги муассасалари билан биргаликда, гидротехник иншоотларнинг ҳолати кузатилмоқда.

– Сув омборларидаги инсон ўлимининг асосий сабаби – қоидаларга риоя қилмаслик, тақиқланган жойларда сувга тушиш, болаларни қаровсиз қолдириш ва маст ҳолда чўмилиш. Шу боис ҳам тушунтириш ишларини фаол юритиш жоиз, – деди Нурали Алмаханули.

Чўмилиш мавсуми яқин, ёнғин хавфсизлиги ҳам кун тартибида. Уларнинг олдини олиш ОАВ вакиллари билан тиғиз алоқа ўрнатиб, огоҳлантириш чораларини юритиш жоиз.

Таъкидлаш жоизки, ФВД мутахассислари ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини текширади, аҳоли билан суҳбатлашади, уй-жойни ёнғинга қарши ускуналашдаги камчиликларни аниқлайди.

Учрашув чоғида департамент раҳбари муассасанинг фаолиятига билдирган қизиқиши учун депутатларга миннатдорчилик билдирди.

Туркистон вилоят маслаҳати.

СУВ ТОШҚИНИДАН ЗАРАР КЎРГАНЛАРГА ЁРДАМ

ВИЛОЯТ ЎЗБЕК ЭТНОМАДАНИЯТ БИРЛАШМАСИ “ЮРАКДАН – ЮРАККА” ХАЙРИЯ ТАДБИРИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИБ ЖАБРЛАНГАНЛАРГА ЖАМИ 46 МЛН. ТЕНГЕЛИК МАҲСУЛОТ ЖЎНАТДИ

Қозоғистон халқи Ассамблеяси вилоят бўлими – “Жамоат тотувлиги” ДКК ташкилотчилигида минтақа маркази Туркистон шаҳрида “Юракдан – юракка” акцияси ташкил этилиб, унга вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси жами 46 млн. тенгелик моддий ёрдам тўплаб, Ғарбий Қозоғистон вилоятида тошқиндан зарар кўрганларга жўнатди. Бу ҳақда вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Баҳодир Ирисметов қуйидагиларни маълум қилди.

– Учта юк автомашинасида асосан озиқ-овқат, кийим-кечак, қурилиш ашёлари тошқиндан жабр кўрганларга жўнатилди. Шимолий минтақага Туркистон хайрия карвонини бошлаб борган вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси “Жамоат тотувлиги” ДКК бўлими мудири Бахтжан Аширбаевнинг таъкидлашича, барча зарур буюмлар инсонпарварлик ёрдамини қабул қилиш марказига етказилди.

Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Баҳодир Ирисметов шу савобли ишга ҳисса қўшган Туркистон, Кентов шаҳарлари ҳамда Сайрам, Саврон туманлари этномаданият бирлашмаларининг саъй-ҳаракатлари учун миннатдорчилик билдирди. Фаол обуначиларимиз Мирзахон Акешов, Райимжон Қўчқоров, Санобар Самиева, Қурбонбой Ирисбеков, Тойир Абдувалиев, Зуппархон Чолдонов, Ҳусан Маҳкамбоев каби ўнлаб ҳимматли инсонлар умумхалқ ишига ҳисса қўшдилар. Хусусан, Қозоғистон халқи Ассамблеясининг “Юракдан – юракка” акцияси доирасида Туркистон вилоят ўзбек ва турк этномаданият бирлашмалари Ғарбий Қозоғистонга 130 тонна юк жўнатган эди. Айни пайтда Туркистон вилояти ҳокимлиги шафелигида махсус автобусда йўлга чиққан 50 нафар кўнгилли ёшлар Ғарбий Қозоғистон вилоятига бориб, сув тошқинидан зарар кўрганларга ёрдам кўрсатмоқда. Умуман, Туркистон вилояти ҚХА қошидаги ташкилотлар билан этномаданият бирлашмалари ташкилотчилигида сув тошқинидан зарар кўрган минтақаларга қарийб 89 млн. тенгелик 301 тонна инсонпарварлик ёрдами жўнатилди.

Минтақа Ассамблея аъзолари Ғарбий Қозоғистон вилоятига 5та юк машинасида гуманитар ёрдам жўнатди. Акция доирасида вилоят ҳокими Дархан Амангелдиули топшириғига мувофиқ, туркистонликлар номидан улкан хайрия карвони йўлга чиқди. Шунингдек, Сариоғоч, Ўтрор, Сайрам туманлари ҳамда Келес шаҳри аҳолиси номидан зарур ёрдам ортилган автомашиналар йўлга чиқди. Вилоят турк этномаданият бирлашмаси раиси Сарманбай Сафаров мана шундай синовли дамларда бир-биримизни қўллаб-қувватласак, машаққатни енгиш осон кечишини айтди. Вилоят ҳокими ўринбосари Бейсенбай Тажибаев амалга оширилаётган савобли ишларнинг моҳиятига тўхталиб, оғир дамларда ёрдам қўлини чўзган вилоят аҳолиси, тадбиркорлар, ёшлар ҳамда минтақадаги этномаданият бирлашмаларига миннатдорчилик билдирди.

– Маълумки, элимизнинг қатор минтақаларида сув тошқини рўй бериб, уйларни аҳоли ташлаб кетишга мажбур бўлмоқда. Жиддий моддий зарар кўрилди. Сув тошқинини бартараф этиш, авария-қутқарув ишларини кечаю-кундуз давом эттириш лозим бўлмоқда. Халқимизнинг мана шундай синовли кунлардаги якдиллиги ва ҳамжиҳатлиги дилга таскин беради. Арисдаги портлаш, Мақтаарал туманидаги сув тошқини пайтида ҳам мамлакатимизнинг барча вилоятлари ёрдам кўрсатиб кечаю кундуз инсонпарварлик ёрдам етказгани ёдимизда. Дастлабки кундан бошлаб вилоят штаби қурилиб шаҳарлардан юк карвони жўнатилди. Мана энди бугун шу эзгу ишларнинг давоми сифатида Туркистон вилоятида инсонпарварлик кўмак уюштирилиб, жабр кўрганларга ёрдам кўрсатилмоқда, – деди ҳоким ўринбосари.

Тақдир тақозоси билан сув босган ҳудуддаги уй-жойларини ташлаб, бошқа манзилга вақтинча кўчишга мажбур бўлган ватандошларимизга ёрдам кўрсатиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Шу ўринда фаол обуначимиз, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси Мирзахон Маҳкамбой ўғлининг ўз оиласи, маҳалласи ва масжид аҳли номидан жабрланганларга моддий ёрдам ташкил қилганлигини алоҳида тилга оламиз. Акцияда фаол иштирок этган Туркистон шаҳри, Саврон тумани ҳудудидаги мебель ишлаб чиқарувчи корхоналар раҳбарлари, жамоаларига миннатдорчилик билдирамиз.

Шу ўринда 2020 йили Мақтаарал туманида тошқин рўй берганида таниқли тадбиркор, фаол обуначимиз Қутлуғ Ваҳобовнинг ташаббуси билан Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси 10 млн. тенгелик хайрия ёрдамини уюштирганини, БМТнинг “Олтин ордени” соҳиби Тиловберган Худойбергенов муносиб ҳисса қўшганини ифтихор билан ёдга оламиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

ТУРКИСТОНДАН – ҚУЛСАРИГА

“Кўҳна Туркистондан – Қулсарига” хайрия карвони йўлга чиқди. Тадбир Туркистон вилояти аҳолиси ташаббуси билан уюштирилди.

Сув тошқинидан талофат кўрган жойларга озиқ-овқат, гигиена воситалари, қайиқ, белкурак ва қозон-ўчоқ, умумий ҳисобда 30 тонна юк жўнатилди. Таъкидлаш жоизки, инсонпарварлик ёрдамини етказиб бериш “Адолат ва тараққиёт” жамоат жамғармаси томонидан қўллаб-қувватланди.

Хайрия карвонларининг сафари давом эттирилади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ҚОРАБУЛОҚЛИКЛАРНИНГ МУАММОЛАРИ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Сайрам тумани ҳокими Арман Сабитовнинг аҳоли билан навбатдаги учрашуви Қорабулоқ қишлоғида ўтди. Унда туман ҳокимлиги бўлимлари, коммунал муассасалар, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, туман прокурори Даулет Тлемисов, туман маслаҳати раиси Шамхат Холмуродов, маслаҳат депутатлари иштирок этишди.

Дастлаб сўз олган Қорабулоқ қишлоғи ҳокими Комилжон Абдулаҳадов қишлоқда амалга оширилаётган ишларга тўхталди. Учрашувда фуқаролар томонидан туман раҳбарига қатор таклифлар билдирилди.

Жумладан, Қоровултепа кўчасига трансформатор – тачсимлаш станцияси ўрнатиш, Оқсувкент қишлоғидан чиқадиган оқава сувини Қайнар ўзанига оқизишни тўхтатиш, оқар сув танқислигининг олдини олиш мақсадида тарнов ўрнатиш, “Оңтүстік жарық Транзит” муассасаси томонидан Ҳамза кўчасидаги симёғочларини темир-бетон устунларга алмаштиришга ёрдам кўрсатиш каби масалалар кўтарилди.

Туман раҳбари ва мутасаддилар аҳолини қизиқтирган саволларга қонун доирасида жавоб беришди. Кўтарилган муаммоларни ҳал этиш йўллари Қорабулоқ қишлоғи ҳокими, туман ҳокимлиги, мустақил бўлимлар билан биргаликда кўриб чиқилиши айтилди.

Бундан ташқари, учрашув давомида туман прокурори Даулет Тлемисов томонидан Қорабулоқ қишлоғи аҳолисининг интернет фирибгарлари қурбони бўлиб қолиши, ёшлар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш борасида тушунтириш ишлари юритилди.

Туман ҳокими Арман Сабитули қишлоқда инфратузилма ишлари ичимли сув тармоқларини қуришдан бошланиши, сўнгра йўлларни таъмирлаш ишлари давом эттирилишини маълум қилди.

Учрашувдан сўнг туман ҳокими фуқароларни шахсий масалалари бўйича қабул қилди. Қорабулоқ қишлоғи аҳолиси туманда амалга оширилаётган ишларга ижобий баҳо бериб, келгусида амалга оширилади-ган ишларга муваффақият тиладилар.

Сайрам тумани ҳокими матбуот хизмати.

Брифинг

ҲОКИМЛИК ВА ЖАМИЯТ ОРАСИДАГИ КЎПРИК

«AMANAT» партияси Сайрам туман филиали ижроия котиби Қуаниш Сиздиқов 2023 йил якуни ва 2024 йилнинг 1-чорагида амалга оширилган ишлар борасида журналистлар учун брифинг ўтказди.

Бугунги кунда туманда 11та бошланғич партия ташкилоти рўйхатига олинган 7937 нафар «AMANAT» партия аъзоси бор. Ўтган йили партия сафига 324 нафар, жорий йил 1-чорагида эса 49 нафар аъзо қабул қилинди.

Ўтган йили жамоат қабулида 555та шикоят тушса, уларнинг 454таси ижобий ҳал этилиб, 101таси бўйича қонун доирасида маслаҳат берилди. Жорий йилнинг 1-чорагида 140та мурожаат қабул қилиниб, уларнинг 112таси бажарилди, 28таси бўйича маслаҳатлар берилди.

Ариза ва шикоятлар асосан, ижтимоий масалалар, уй-жой ва ер участкаси олиш, соғликни сақлаш, кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, насиялаштириш каби масалаларга тааллуқли бўлди.

2023 йили ОАВда 70дан зиёд мақолалар, ижтимоий тармоқларда 2700дан зиёд хабарлар эълон қилинди. Амалга оширилаётган барча тадбирлар партиянинг сайловолди дастурида ўз аксини топган. Туман маслаҳатидаги фракция депутатлари бу ишга салмоқли ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

– «AMANAT» партияси Давлат раҳбари Қ. Тўқаевнинг эл фаровонлигини яхшилаш борасидаги топшириқларини ҳаётга татбиқ этиб, мамлакатимизнинг тараққиёти йўлида хизмат қилаверади. Зеро, у элимиздаги барча ўзгаришлар ва янгиликларнинг ташаббускори, ҳокимият ва жамият орасидаги кўприкдир, – деди Қуаниш Адирбекули учрашув якунида.

З. МЎМИНЖОНОВ.

Жасоратга таъзим!

ҚАҲРАМОН БИЛАН УЧРАШУВ ХОТИРАСИ

Туркистон шаҳридаги “Жеңіс” истироҳат боғида туркистонлик тўрт нафар Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари – Абдулла Усенов, Қурбонбой Ирисбеков, Файзулла Йўлдошев ва Расул Исетовларга ёдгорлик ўрнатилган. А. Усенов, Қ. Ирисбековлар жанг майдонида қаҳрамонларча ҳалок бўлган.

Ф. Йўлдошев урушдан сўнг Ўзбекистоннинг Наманган шаҳрига кўчиб бориб, 1991 йили оламдан ўтган. Р. Исетов урушдан сўнг кўп йиллар жамоа хўжалиги бозори, кейинчалик марказий бозорда директор сифатида самарали фаолият юритди. Шаҳар, вилоят миқёсида эл манфаатига оид масалаларни ҳал қилишда камарбаста бўлганини фахр билан ёд этамиз.

Доимий фаол обуначимиз, ҚР Журналистлар Уюшмаси аъзоси Ҳусан Убайдуллаев қаҳрамон хонадонида бўлиб, Расул ота билан жангдаги жасоратлари ҳақида дилдан суҳбат юритиб, “Жанубий Қозоғистон” газетасида нашр қилганини хотирлайди. Ўша учрашув чоғидаги эсдалик сурат кейинчалик Расул Исетов ҳақидаги китобга ҳам киритилган.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: уруш қаҳрамонларига ўрнатилган ёдгорликлар; қаҳрамон Р. Исетов ва Ҳ. Убайдуллаев.

Муаллиф суратга олган.

Саховат

ҚАДАМЖОЛАРНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ – ФАРЗИМИЗ

Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасидаги “Марям она” қабристони зиёратчилар ташриф буюрадиган муқаддас қадамжолардан. Шу жойдаги масжид элга таниқли саховатпеша инсон Ирисали ота Маккамбоев (тасвирда) ташаббуси билан 1992 йили бунёд этилган.



Жорий йили 88 ёшини қарши олаётган Ирисали ота дастлаб Фрунзе номли мактабни, сўнг Тошкент ветеринария техникумини тамомлаган. Отахон узоқ йиллар қишлоқда соҳаси бўйича ишлади, шунингдек, қассобчилик қилди. У Ю. Сарёмий номли мактаб-лицейи, 4-сонли Болалар уйи, ёрдамчи интернат-мактаби ҳамда қишлоқ шифохонасини таъмирлашга ҳомийлик қилган.

Жорий йили отахон саъй-ҳаракатлари билан “Марям она” масжиди тўла таъмирланди, ҳовлиси кенгайтирилиб, ободонлаштирилди, шунингдек, қўшимча хоналар қурилди.

Ирисали отанинг айтишича, бугунги кунда Сайрам даҳасидаги 25та муқаддас қадамжоларнинг деярли барчасида ободонлаштириш ишлари юритилиши жоиз.

– Шукурки, диёримизда ўзига тўқ тадбиркорлар етарли, – дейди Ирисали ота. – Улар мана шу масалага эътибор қаратишса, қадамжоларимизни ободонлаштиришга ҳисса қўшишса, айни муддао бўларди.

Ирисали отанинг ташаббуси қўллов топади, деб умид қиламиз.

Ирисали ота Қозоғистон Республикаси ўзбек этномаданият бирлашмасининг “Дўстлик”, “Улуғ Ватан Урушининг 60 йиллиги” медаллари билан тақдирланган.

З. МЎМИНЖОНОВ.

ЭТНОС ЁШЛАРИ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК ҒОЯСИ

Туркистон вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси “Жамоат тотувлиги” муассасасининг Сайрам туман филиали йиллик иш режасига асосан Оқсувкент қишлоғидаги Анвар Исмоилов номидаги гуманитар касб-ҳунар коллежида “Тарихдан сабоқ” мавзуида этнос ёшлари билан учрашув уюштирилди.

Унда тарихчи ва ёзувчи Иброҳим Туркий, шоир Нурғиса Тўремуратов, Сайрам туманининг фахрий фуқароси Асан Шўқатай, Сайрам туман ўзбек этномаданият бирлашмаси хотин-қизлар кенгаши раисаси Зумрад Аҳмедова, касбий медиатор Сайёра Довонова, Сайрам тумани марказлаштирилган кутубхона-кутубхоначиси Рўза Абдужаппарова, С. Сейфуллин номидаги мактаб-гимназиянинг тарих ўқитувчиси Назира Серперова, Байдибек номидаги 31-сонли умумий ўрта мактаб тарих ўқитувчиси Аян Муратов, шунингдек, ассамблея тарғибот гуруҳи аъзолари ва ёшлар иштирок этди.

Йиғилишни “Жамоат тотувлиги” ДКК-нинг Сайрам туман филиали раҳбари Базарбай Мамадиярули олиб борди.

Тадбирда А. Муратов сўзга чиқиб, Буюк Дашт тарихининг бир қисми бўлган “Хонқўрғон” археологик ёдгорлигини республика миқёсида ўрганилишини таклиф қилди.

– Миллий қадриятлар – ҳар бир халқ табиатида асрлар давомида отадан ўғилга ўтиб келаётган ахлоқий тамойиллардир. Асрдан асрга ўтиб келаётган халқ хазинаси – тили, маданияти, анъаналари, адабиёти ва санъати халқимизнинг маънавий бойлигидир. Шундай экан, биз бу қадриятларни бугунга қандай етказдик ва уларни эртаги кунга қандай етказамиз? – деди Н. Серперова.

Учрашувни сарҳисоб қилган Базарбай Мамадиярули: “Миллий қадриятлар – миллат хазинаси. Асосий тушунча – етти отадир”, деди. У етти ота қозоқ халқининг анъанавий маданиятида ота томондан шахс келиб чиқишининг шажараси эканлигига тўхталди.

Учрашувда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

З. АҲМАДЖОНОВ.

“БИР ЭЛ – БИР КИТОБ”

“Бир эл-бир китоб – 2024” республика акцияси доирасида атоқли ёзувчи, болалар адабиёти намояндаси Бердибек Сўқпақбаевнинг 100 йиллиги муносабати билан Оқбулоқ қишлоқ кутубхонасида Қорамурт, Низомобод ва Оқбулоқ кутубхоналари билан ҳамкорликда “Берен талант Бердібек” мавзуида адабий тадбир ўтди.

Мақсад – ёш китобхонларни ёзувчининг ижоди билан таништириш ва уларни мутоалага қизиқишини оширишдан иборат эди. Зеро, Абдураҳмон Жомий айтганидек:

Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда,
Ғамхўринг бўлгай у ғамгин замонда.
У билан қол танҳо ҳеч бермас озор,
Жонингга юз роҳат беради такрор.

Н. РЎЗАҚУЛОВА,
Низомобод номли қишлоқ кутубхоначиси.

БИЛИМЛИЛАР САРАЛАНДИ

Шимкент шаҳридаги ўзбек тилида таълим берадиган умумтаълим мактабларининг битирувчи синф ўқувчилари “Она тилим – асл хазинам” мавзуидаги ўзбек тили ва адабиётидан Ж. Ташенев номидаги университетда ўтган шаҳар олимпиадасида иштирок этишди.

Танловни Ж. Ташенев номидаги университет ҚР ўзбек этномаданият бирлашмаларининг “Дўстлик” ҳамжамияти, Шимкент шаҳар таълим бошқармасининг услубий маркази билан биргаликда ўтказди.

Ўқувчиларнинг она тилига иштиёқи, уни яхши ўзлаштираётганликлари устозларни қувонтирди. Тадбир шу билан бирга, ўқувчиларнинг оғзаки топшириқларни бажаришда сўз бойлигидан фойдаланиб, иқтидорини намойиш этиш имкониятини берди. Юксак даражада ўтган олимпиадада устозлар ҳам янги услублар ҳақида маълумотлар олишди.

Олимпиада иштирокчилари кўзда тутилган мавзу бўйича эссе ёзишди. Устозлар ўқувчиларнинг кўникмаларини, кўзланган топшириқларни бажариши юзасидан билимлари баҳолашди.

Олимпиада натижаларига кўра, бош соврин А. П. Чехов номидаги мактаб ўқувчиси Руфина Йўлдошевага, 1-ўрин 13-мактаб ўқувчиси Дилдора Йўлдошевага ҳамда Кентов шаҳри М. Қошғарий номидаги мактаб-лицей ўқувчиси Нигора Саидова, 2-ўрин Сайрам тумани “Сайрам” МЧБ ўқувчиси Лобар Ирисматовага, Саврон тумани С. Раҳимов номидаги мактаб ўқувчиси Дилдора Отажоновага ва Тўлебий тумани Ал Форобий номли мактаб ўқувчиси Бинафша Эгамбердиевага, 3-ўрин Шимкент, Кентов, Сўзоқ, Тулкибош, Сайрам тумани ўқувчиларига насиб этди. Совринли ўринга эга бўлган ғолиблар диплом ҳамда сертификатлар билан тақдирланди ва мазкур университетда таҳсил олишга йўлланма олишди.

Танловнинг юқори даражада ўтишида жонбозлик кўрсатган профессор-устозлар, шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаларининг раисларига миннатдорчилик билдирамиз.

Озодахон МУСАЕВА,
Ж. Ташенов номидаги университет ўқитувчиси.

ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎН КУНЛИГИ ЎТДИ

Сайрам туманидаги 92-сонли “Оқсув” умумий ўрта мактабида инглиз тили бирлашмаси ўқитувчилари ташаббуси билан “Welcome to the world of the English language” (“Инглиз тили оламига хуш келдинг!”) мавзуида ўн кунлик ўтди.

Мақсад – ўқувчиларнинг инглиз тилини давлат таълим андазаси асосида ўзлаштиришини синовдан ўтказиш, уларнинг тилни пухта ўзлаштириш, тафаккурини юксалтириш, ёдда сақлаш қобилиятини аниқлаш эди. Шунингдек, жамоавий меҳнатга тарбиялаш, изланишга ўргатиш.

Тадбирда мактаб директори М. Шоимов инглиз тилини ўрганиш инсон ҳаётини ўзгартиришига, бунинг учун ўқув курслари мавжудлигига тўхталди. Инглиз тили дунёдаги энг машҳур тилга айланиб, бугунги кунда 500 миллиондан зиёд одамнинг асосий мулоқот тили бўлиб, яна 1 миллиард 300 миллионга яқин инсон учун иккинчи тил ҳисобланишини таъкидлади.

Бирлашма ташаббускорлари Ш. Дўнгбоев, М. Холметова, Э. Тилешова, Г. Алмаммедова, С. Холмуродова, Г. Аҳмедова, Р. Қосимбекова, Д. Йўлдошевларнинг саъй-ҳаракатлари билан 4-6-синф ўқувчилари фаол иштирок этиб, инглиз тилида қўшиқ айтиб, рақсга тушдилар. Тадбирни 11-“Б” синф ўқувчиси Дилнура Иристоева олиб борди. Даврага турли миллат вакилларининг миллий таомлари олиб кирилиб, ўқувчилар томонидан инглиз тилида таъриф берилди.

М. УСМОНОВА.

ЎҚУВЧИЛАРНИ ЯМТга РУҲАН ТАЙЁРЛАШ

Замонавий таълим жараёнида ўқувчиларни турли синовларга бардош бера оладиган комил шахс сифатида ривожлантириш долзарб масалалардан бири. Руҳан ва жисмонан соғлом бўлиш ўқувчилар учун муҳим аҳамият касб этади. Қуйидаги оддий ҳаракатлар имтиҳонларни муваффақиятли топширишга ёрдам беради.

Турли жисмоний машқлар стресс ферментини йўқотишда ажойиб омил ҳисобланади. 15 дақиқали бадан тарбия машғулотларини ўтказиш, тоза ҳавода сайр ва ҳоказолар тавсия қилинади. Оила аъзолари томонидан шароит яратилиши керак. Алоҳида дарсхона ажратиш, кун тартибига риоя қилишда ёрдам бериш, вақтини беҳуда ўтказмаслик, ҳар томонлама ота-она томонидан хайрихоҳлик тақозо этилади. Ҳар куни соғломлаштириш борасида релаксация тадбирларини ўтказиш аҳамиятли. Мусиқий таъсир, шеърий ёки адабий асарлардан парчаларни ўқиш. Кулгу терапияси ўқувчига энг яхши эмоционал ҳордиқ беради.

- Қисқа нафас олиш+узоқ нафас чиқариш+пауза-тинчланиш, вазминликни таъминлайди.

- Узоқ нафас олиш+қисқа пауза+бирданига нафас чиқаришфаолликни оширади.

Шу асосда, имтиҳонга вазминликни сақлаган ҳолда тайёрланиб бориш керак. Материални эслаб қолиш қийинчилик туғдирса, фикрни бир жойга жамлаб, аввал енгил, кейин мураккаб материални ўрганишга ўтиш тавсия этилади. Асосий оғирлик кўзга тушади, мабодо кўзларингиз чарчаган бўлса, демак, бутун организм чарчаган. Кўзларни дам олдириш учун машқлар бажариш лозим. Фазода турли хил геометрик шакллар ясаш, сўзлар ёзиш даркор. Дарсхона тўғри уюштирилган бўлиши керак. Стол устига сариқ ёки бинафша рангли суратлар, кичкина буюмлар қўйиш фаолликни оширади. Материални саволлар бўйича такрорлаш. Асосий сана, формулаларни ёдга тушириб ёзиш, кейин уни текшириб чиқиш. Дарслик билан ишлашда таянч-асосий қоида ва фикрларга қўйилади. Ҳар бир савол бўйича қисқача жавобни варақчаларга ёзиб чиқиш эсда сақлашни кучайтиради. Аутотренингдан унумли фойдаланиш, ўзини йўналтириш – фақат яхши ўй-фикрлар, тасаввурлар омадга олиб борадиган ягона йўлдир. Ҳар бир ўй амалда ўз ифодасини топади. Унутмаслик керакки, инсон кўп нарсага қодир, лекин ишнинг муваффақияти, унинг яхши режалаштирилганлиги ва ҳар томонлама қўллаб-қувватланишига боғлиқ. Имтиҳонларга тайёргарликда ота–оналарнинг қўллови муҳим. Бу борадаги тавсияларга эътибор беринг:

- Имтиҳон куни болани ортиқча безовта қилмаслик.
- Уйда шароит яратиб беришга ҳаракат қилиш.
- Ҳар томонлама мавзуларга тайёрланишида ёрдам кўрсатиш.
- Ўзига ишонч ҳиссини ҳосил қилишига ёрдам бериш.
- Имтиҳонга тайёрланишини назорат қилиб бориш, ҳаддан ташқари зўриқиш ва чарчашига йўл қўймаслик.
- Вақтида овқатланишига аҳамият қаратиш.
- Имтиҳондан сўнг унинг натижаларини танқид қилмаслик.
- Энг асосийси, боланинг соғлиги, руҳий хотиржамлиги ва вазминлигидир.

Гулбаҳор РАСУЛМЕТОВА,
Ойбек номли 14-умумтаълим мактабининг руҳшуноси.
Шимкент шаҳри.

Миллий қурултой қарорлари – ҳаётга!

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҚАДР ТОПСИН

Тўлебий туманида «Адолатпарвар инсон – Ҳалол меҳнат – Муносиб даромад» мавзуида Ёшлар анжумани ўтди. У Миллий қурултойда Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев томонидан кўтарилган масалалар муҳокамасига бағишланди.

Тадбирни муассаса раҳбари Б. Мақулбек олиб борди ва Атировда ўтган МҚ йиғилишида муҳокама қилинган масалаларга тўхталди. Тадбирда сўз олган Туркистон вилоят ҚХАнинг Тўлебий туман филиали раҳбари Э. Айтжанов этнослараро тотувлик мамлакат тараққиётининг гарови эканлигини таъкидлади.

Ёшлар қалбида ватанпарварлик, урф-одат, анъаналарга меҳр-садоқат туйғуларини шакллантириш мақсадида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган тадбирда 200дан зиёд йигит-қиз, зиёлилар, ёшлар ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари, имомлар иштирок этишди.

Анжуманда туман ҳокимининг ўринбосари Сержан Дуйсебаев маъруза қилди.

– Халқимиз инсонпарварлик, ватанпарварлик, ўзаро ҳамкорлик, урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни янада мустаҳкамлаб бораётганлиги билан жаҳонда эътибор қозонмоқда. Энг муҳими ёшларни келажакка умид, билимли, салоҳиятли, мукаммал касб эгаси бўлиш, ёшларни жисмонан соғлом этиб тарбиялаш муҳим ва долзарб масаладир. Ушбу вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида уюштирилган тадбир халқимизнинг миллий қадриятлари, анъаналари, маросимларини мукаммал ўрганиш имконини бермоқда. Энг муҳими, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, эл-юрт турмуш даражасини тараққий эттириш ва ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Анжуманнинг асосий мақсади – жамиятимиз тараққиётига тўсиқ бўлаётган турли ғоявий таҳдидларга қарши кураш асосида Қозоғистон ватанпарварлиги ғояси ва мафкурани тарғиб этиш, Қозоғистон ҳудудида истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар тили, урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қилиш мақсадида халқимиз босиб ўтган йўл, тарих, воқеа-ҳодисаларни холисона ўрганиш ва ёшларга тушунтириш муҳим мақсадлардан бири қилиб олинган, – деди у.

Шунингдек, ҳоким муовини ёшлар тарбиясида маънавият мавзуида ҳам фикр-мулоҳазаларини билдирди. Жумладан, ёшларни китоб ўқишга ва замонавий технологияларни ўзлаштиришга қизиқтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларга инглиз тилини ўргатиш муҳимлигини уқтирди.

Маънавиятимизнинг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатадиган муҳим омил – таълим соҳасидир. Ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти деб билган. Халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий бола тимсолида, аввало, шахсни кўриши зарур. Фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, комил инсонлар сифатида вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим. Бу эса таълим ва тарбияни уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан туман фахрийлар кенгаши раиси Атирхан Шинғисбаев тўйлардаги исрофгарчилик масаласига тўхталди.

– Халқимизнинг ҳаётини ўзига хос урф-одат ва анъаналар, ҳаётий қадриятларсиз тасаввур этиб бўлмайди, чунки бу азалий ўлмас қадриятлар халқимиз маънавий-маданий ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Тўйлар, аза маросимлари, улар билан боғлиқ бошқа каттакичик расм-русумларнинг ҳар бири замирида ўзаро меҳр-оқибат, саховатпешалик, бирдамликка чақириш, яхшиликдан умидворлик, эзгулик улашиш каби ҳаётий қарашлар ётади, – деди у. – Бироқ, афсуски, ўтган асрнинг охирларига келиб, тўй-томоша, маъракa-йиғинларни ўтказиш гўё кимўзар пойгасига айланди. Айниқса, тўйлар исрофгарчилик билан ўтказила бошландики, бунинг оқибатида анъаналаримизнинг асл мазмунига путур етди. Тўйдаги ортиқча дабдаба – шовқин-суронли базм, овоз кучайтиргичлар орқали айтиладиган маза-матрасиз қўшиқлар, исрофгарчилик, ичкиликбозлик, ўнлаб машиналарда йўл қоидаларига хилоф равишда кўчаларда сайр қилиш ташвишларга сабаб бўлмоқда.

Албатта, истиқлол йиллари барча соҳалар каби маънавий-маданий соҳада ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Халқимизнинг ўзига хослигига зид одатлардан воз кечилди, миллий ўзлигимиз тикланди. Лекин, тўй ва бошқа маросимларни ихчам, ортиқча исрофгарчиликларсиз ўтказиш масаласи эътибордан четда қолмоқда. Қадриятларимизни асл ҳолида сақлаш ва келажак авлодга етказиш масалаларига жиддий эътибор қаратилиши керак.

Давлатчилик тарихига назар солсак, бизнинг ўлкамизда ҳам маросимлар қадимдан бошқариб келинган. Бу ишнинг бошида юрт улуғлари турган. Исрофгарчилик, дабдабага йўл қўйилмаган. Аксинча, ўз эҳтиёжидан ортиғини хайру эҳсон қилишга, камбағал-ночорларга мурувват кўрсатишга катта аҳамият қаратилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, халқ маросимларини соҳа мутахассислари, хуллас, кенг жамоатчилик билан баҳамжиҳат, “кенгашли тўй тарқамас” мақолига амал қилган ҳолда бамаслаҳат амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўз навбатида Ленгер шаҳар фахрийлар кенгаши раиси Ўрдабек Абдуқаимов тўйларни ўтказиш маданияти ҳақида маъруза қилди. У тўйларни ўтказиш бўйича бадиий кенгаш қуришни таклиф қилди. Бу борадаги фикрлари билан «Ёшлар маркази» аъзолари ҳам ўртоқлашди. Билдирилган фикрлар бўйича махсус қарор қабул қилинди.

Б. ДЎСМАТОВА.

ЭЛНИ БИРЛАШТИРГАН ХОТИРА

Тулкибош тумани, Озодлик қишлоғи аҳолиси марҳумлар хотирасига бағишлаб “Барот бобо” қабристонида ободонлаштириш ишларини ўтказди. Икки кун мобайнида ўтган тозалик ишларида туман аҳолиси, ушбу ҳудудда туғилиб, тақдир тақозоси билан турли шаҳарларда фаолият юритаётган тулкибошликлар ҳам фаол иштирок этишди. Юртдошларимизнинг эзгу ниятларини амалга оширишда қулай об-ҳаво шароити ҳам ўзгача файз бағишлади. Туман ҳокими, депутатлар, тадбиркор, ҳомийлар, умуман, қишлоқнинг жамики ёшу қариси анъанага айланган тадбирда саховат кўрсатишга, фаол иштирок этишга ҳаракат қилди.

– “Барот бобо” қабристони менинг марҳум катта бобомнинг хотирасига бағишлаб барпо этилган ва унинг номи берилган, – дейди суҳбатда Дилором Баротова. – Ўтган асрнинг бошларида Уфа шаҳридан Озодлик қишлоғига кўчиб келган Барот бобомиз тақдир тақозоси билан ўзбек қизи билан оила қурган ҳамда қишлоғимизда ҳунармандчиликнинг кенг тарқалишига, қолаверса, ҳамқишлоқларига диний илм беришга бош-қош бўлган. 1946 йилдан бошлаб қабристон барпо этилиб, ҳамюртларимиз дафн этила бошлаган. Бугунги шанбалик мен учун алоҳида хотира тадбири. Жамики яқинларимиз билан бу ерга дафн этилган авлодларимиз, мусулмонларга бағишлаб Қуръон тиловат қилдик, манзарали дарахтлар, гуллар экдик. Уларнинг руҳи шод бўлсин. Йил сайин бу тадбирда иштирок этаётган ёшларимизнинг сафи кенгайиб бораётганидан жуда мамнун бўлдим. Ёшлар кекса авлод вакиллари хотирасига эҳтиром кўрсатишда келгуси авлодга намуна бўлиши керак. Туман раҳбарлари уюштирган ушбу эзгу иш бошланганига мана, салкам қирқ йил бўлади.

Тадбирда иштирок этаётган маслаҳат котиби Хамитбек ҳамда унинг укаси туман маслаҳати депутати Данияр Байсбаев ҳам қишлоғидаги ибратли анъана ҳақида фикр билдиришди.

– Туман ҳокимлиги қошидаги оқсоқоллар кенгаши аъзоси, қишлоғимиз фахри Мирсобир Миразизов, шу билан биргаликда кўпгина ишбилармон йигитларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан ушбу тадбирни ўтказяпмиз, – дейди туман маслаҳати раиси Х. Байсбаев. Хотира тадбири – турли миллат вакиллари истиқомат қиладиган туманимизнинг ҳамжиҳатлик, дўстлик, бирдамлик рамзига айланган. Аксарият ҳолларда Рамазон ойи тугаши билан туман аҳли мана шу қабристонда жамулжам бўламиз. “Тоза Қозоғистон” акцияси доирасида ўтказилаётган тадбирда шу ерга дафн этилган барча инсонлар авлодлари иштирок этмоқда. Ўтганларнинг руҳи шод бўлсин! Баъзи қабристонларда бегона ўтларни тозалаш ўрнига уларни ёқиб юбораётган ҳолатларни кўриб, дилингиз оғрийди. Биз эса ҳамжиҳатликда шундай маросимни ўтказишни анъанага айлантирган қарияларимиздан миннатдормиз. Қабристонда тозалаш, ободонлаштириш, кўчат ва гуллар ўтқазиш ишлари поёнига етгач, марҳумлар хотирасига бағишлаб худойи берилди. Унда сўзга чиққан Тулкибош тумани ҳокими ёрдамчиси Садуақас Сейсембаев, туман оқсоқоллар кенгаши раиси Қалаубек Анашев, Туркистон вилоятининг фахрий фуқароси Мирилёс Мирқодиров, туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Журъат Аноров сўзга чиқиб, ҳамжиҳатлик йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларга тўхталишди.

– Туманимиз аҳолиси бир ёқадан бош чиқариб, ҳар қандай тадбир ташаббусини зиммасига олиб, хайрли ва савоб ишларни амалга оширишга доим шай ва бу билан фахрланаман, – дейди Тулкибош туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Ж. Аноров. – Таниқли тадбиркор Зокиржон Аҳмедов раҳбарлигида ташкил этилган “Аллоҳ розилиги учун” хайрия жамғармаси ажойиб ишларга ташаббускор бўлмоқда. Яқинда моддий жиҳатдан анча қийналиб қолган уч нафар етим фарзандлари бор оилаларга учта уй қуриб бердик ва харид қилдик. Саховатпеша ишбилармонларимиз бор экан, уй учун навбатда турган шундай оилалардан ёрдамимизни аямаймиз. Яқинда сув тошқинидан зарар кўрган Ақтўбе вилоятига 10 миллион тенгелик (27 тонна) жиҳозлар, турли гигиена воситаларини жўнатдик. Бу ҳам халқимизнинг бирлиги натижасидир. Туманимизда яна бир ажойиб ва бетакрор анъанамиз бор. Ҳар йили Рамазон ойида Қадр кечасини кексаларимиз дуои фотиҳалар билан ўтказишлари учун 30 ёшга тўлган ҳамқишлоқ-йигитларимиз оила аъзолари билан хизматда бўлишади. Ибодат кечаси ва намозхонларга ифторлик уюштиришда бош-қош бўлишади. Ҳозиргина марҳумларни хотирлаш маросимидан сўнг, эл-юртга ош берилди, тўкин дастурхон ёзилиб, турли миллат вакиллари шу ерда учрашиб, Яратгандан юртимизга ҳамжиҳатлик, хотиржамлик ва тинчлик тилашди. Ва бу эзгу иш анъанага айланганига, мана, салкам 20 йил бўлди. Хотира маросимига эса жорий йилда 40 ёшга тўлган ҳамюртларимиз бош-қош бўлишади. Бугунги тадбиримизда Алмати, Тароз, Тошкент ҳамда юртимизнинг бошқа минтақаларидан келиб, боболарини биз билан биргаликда ёд этаётган ҳамюртларимиз ҳам Давлат раҳбарининг ташаббуси билан бошланган “Тоза Қозоғистон” акцияси доирасидаги маросимда фаол иштирок этишаётганидан мамнунмиз.

Машҳура ОТАБОЕВА,
М. Ломоносов номидаги
ўрта мактаб муаллимаси:

– Қабристонимизда ободонлаштириш ишларида ҳамда худойида умр йўлдошим 40 ёшга тўлганлиги боис, барча улфат-жўралар, оила аъзоларимиз билан иштирок этяпмиз. 400га яқин ҳамқишлоқларимиз маросимга ташриф буюришди. Албатта, тадбиркорлар бу савобли ишда фаоллик кўрсатишди. Тадбиримизда иштирок эта олмаган кам таъминланганлар, ногиронлар, бевалар, ёлғиз кексалар хонадонларига совға-саломларимизни етказиб берамиз. Биздан ёши улуғ опаларимиз, акаларимиз ҳам шундай савобли тадбирларни ўтказишда бош-қош бўлишган. Биз билан бирга иштирок этаётган фарзандларимиз ҳам марҳумларнинг хотирасини доим улуғлаш жоизлигини биз, катталардан ўрганиб боришади. Ўйлайманки, бундай анъана фақат бизда бўлса керак, биз бу удумимиздан фахрланамиз.

Миробид ФУЗАИЛОВ,
Озодлик қишлоғи масжиди имоми:

– Бу йил қишлоғимиз мактаблари ўқувчиларига зўр янгилигимиз бор. Таниқли тадбиркор Абдуҳолиқ Саидов ҳамда бошқа ишбилармонлар раҳнамолигида барпо этилган янги масжид қошидаги мадрасада Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси рухсати билан болаларга уч ой таътил мобайнида Қуръон курсларида таълим беришга шайланиб турибмиз. Улар имконларига қараб 6 ойга қадар таълим олишлари мумкин. Уларга бир маҳал бепул таом берилади. Ишбилармонларимизга ташаккур, ҳамюртларимизга шундай имкониятларни тақдим этишяпти. Мазкур қишлоқ қабристони маъмури Аҳмад Шукуралиевга ҳам катта раҳмат.

Озодлик қишлоғи аҳолисининг намунали ишларини кўриб, кўзингиз қувнайди, элнинг дуосини олиш илинжида холис ёрдам бераётган ҳамюртларимизнинг шижоати, қалбидаги мурувватини савоб ишларида кўриб, ҳавас қилдик. Авлодларига шундай бетакрор инсоний қадриятлар – кекса авлодга эъзоз, ҳамжиҳатлик, бирлик ва бирдамликни сингдирган ва ёшларини ўша руҳда вояга етказган марҳумларнинг охирати обод бўлсин!

М. САЪДУЛЛАЕВА.

Буюк Даштнинг улуғ алломалари

Саъдулла СИЁЕВ

Аҳмад Яссавий

Роман

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

– Э, қўйинг, тақсир! – деди қўл силтаб, – ул каззобни кунига уч маҳал меҳригиёга чўмилтирсангиз ҳам пойдаси йўқ! Мени диндан чиқорган ҳам асли шул қасамхўр! Ўмаса, кентимдин беруна бўлиб, тоғу тош кезиб кетармидим? Ло илоҳа иллолло, деб аробамни тортиб юрмасмидим!

– Нима қилди?

– Э, сўраманг, тақсир, кун бермади. Кундузи кулкимни бузади, тунда уйқумни бузади. Буйим сўрай бериб жинни қилиб юборди. Сўраса майли, қўшни бўлгандин кейин олди-бердисиз бўмайди, туврими? Бироқ десангиз бу имом оғанини қайтиб бермайди, шуниси ёмон. Чўт сўрайди, ўроқ. Кетман, чилбир, қозон, болта... э, қўйингчи, кўзига не илашса сўрай беради, сўрай беради, сўрай беради. Бу кетиши бўлса, бир кун эмас, бир кун аялимни ҳам сўраб қолмаса гўргайди, деб қўрқаман. Йў, худо инсоф бердими, ишқилиб индамади... Олишга келганда – бисмилло, беришга келганда – астафирилло. Ишқилиб, қайтиб бермайди. Синиб қолди, дейди, йўқолди, дейди...

Бир куни уйига чиқсам, еттисаккиз ўроқ, болта, тангиз думалаб ётибди. Ҳаммадан сўрайсан экан-да, каззоб, дедим. Шу-шу, игналик ип ҳам бермай қўйдим. Кейин мени чейнашга ўтди. Хотиним ёш бўшаниб атала ичиб ўтирган эди, дуволдин кўриб қолибди. Полончининг заипаси мусулмон эмас, рўза тутмайди, деб гап тарқатибди. Бола тувғон аял бир нима ейишга ҳақи борми, йўқми? Ё, бўвагини очидин ўлдириши керакми? Буям ўтаберсин. Бир куни эшикка гадой келиб қолди. Нон-пон бердим. Қарасам, усти-боши ит талагандай бир ёмон, тўкилиб турибди. Уйга обкирдим, эски-туски кийимларимдин бердим. Имонсиз имом буниям эшитиб қобди. Мачитда халойиққа жар собди: «Не дейсан, полончи қорлиқ яҳудийни уйига обкириб бир тобоқдин ош еди, бундайин кофирни маҳалладан ҳайдаш карак!» дебти. Тавба дедим, ким копир ўзи? Бир ғарибга томоқ бериб хайр қилғон мен копирманми ё бўлмаса, бировнинг ҳақини еб, кўзини лўқ қилиб турадиғон ул имом копирми? Биз ўқимағон омий одаммиз, мана ўзларинг айтинглар, мусулмонми, копирми, ишқилиб инсон боласи эшигингда зор қақшаб турса, унинг ҳожатини чиқариш каракми ё жўна, деб кетига тепиш каракми?

– Ҳожатини чиқармаган мусулмон эмас, – деди Бобо Мочин.

– Ўлманг, оға! Қул хўжа Аҳмад пирим ҳам шундай депти. Ул Ҳазратнинг бир ҳикмати бор эди. Олдин юрган йўлимда ёдлаб юргучи эдим, энди, мана бу тақсирим айтгандай қурсоқ қайғиси билан бўлиб... эсимдан чиқибди. Қорлуқ бошига муштлаб-муштлаб қўйди. Бобо Мочин таваккал қилиб Шайхнинг машҳур байтини ўқиди:

Суннат эрмиш, кофир
бўлса берма озор,
Кўнгли қаттиқ дилозордин
худо безор...

Кофар қўл сермади, баланд товушда хитоб қилди:

– Шу-шу! Аммо турқингиз ҳайбатли бўғони билан ўзингиз яхши одамга ўхшайсизакан. Ҳазрати Султонимни ёддан биларкансиз.

Сулаймон ер остидан Шайхга қараб қўйди, сўнг Бобо Мочинга ишора қилди:

– Бу тақсир Шайх Аҳмад Яссавий ҳазратларининг қўлларида таҳсил олганлар!..

– Воҳ-воҳ! – деб юборди кофар ва ирғиб ўрнидан турди. – Мен диндан чиққан бир осийман. Барибир этагингизни тавоп қиламан. Султонимни кўрганакансиз-а?!

У Бобо Мочиннинг этагини тутиб қўзига суртди. Шу пайтгача ҳеч ким Бобо Мочинни тавоф қилмаган эди. Шайх муртидан кулди. Бобоқул қизарди. Кофар йигит ўрнига қайтиб оғир тин олди.

– Қани энди, Шайх бобо бизнинг кентимизга ҳам бир келса, золимларни йиғнаб олиб инсофга чақирса, ҳей, худобехабар, бир ғарибни оёғости қила берма, буям сендай инсон боласи, деб қўрқитиб қўйса... Келолмайдида... Ҳазрати Султон ёлғиз, эзғувчи кўп, туврими, тақсирлар?..

Орага сукунат чўмди. Шайх ўйларди: «Бу йигит ҳали исломдин буткул юз бурган эмас. Бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдирибдир. Иншоолло, уни ҳақ йўлиға қайтарса бўлғай». Сулаймон кофарга боқди. Бир нима сўрагани оғиз жуфтлади. Шу пайт йигит ўзи гап очди:

– Достоним чала қолди, қумғон қайнагунча бу ёғини ҳам сўйлаб берай. Бир куни ўртамиздаги дувол бузилди. Ёмон хотиннинг оғзига ўхшаб очилиб ётмасин, ке, кўтариб қўяй, дедим. Лой қордим, гувала қилдим. Энди дуволни уриб турсам, лўкиллаб имом келиб қолди. «Ҳой, бетавпиқ, нага мен тарапимдан дувол солдинг, сен копирга ер етмадими?» деб бақирди. Эски дуволни ўрнини кўрсатдим. Имом кўнмади. «Бу маним ерим, икки газ сурасан!» деб туриб олди. Қўшниларни чақирди. Мачитга одам юборди. Икки саллалик келди. Бу ёқда бизни гувоҳлар – қашшоқ, ўқимаган, омий. У ёқда имомнинг гувоҳлари – мартабалик, оғзида илми бор, бетлари қип-қизил. «Мусурмон мусурмон билан ер талашмайди» деди мулло. «Имомингиз мусурмон бўлса, нега бировнинг ерини даъво қилади, бундин чиқди икковимиз ҳам кофир эканмиз-да?» дедим. Имом войдод солди. Қозиға чақиртараман деб ўдағайлади. Оқсоқол келди, одам йиғилди. «Икки газ ер кимдан қолмайди, Самад, деди оқсоқол, бу ёлғон дунёда ҳамма икки газ ер деб юрибди, бер, шунинг кўзи тўйсин».

Даъвогаринг қози бўлгандин сўғин... не қилардинг, туврими, тақсирлар? Э, қўйинг-чи, дуволни уйга қаратиб икки газ сурдим. Барибир имомга инсоф кирмади. Қозига чақибди. Қози, Самадни маҳаллага қўшманглар, деб патво берибди. Сартарошга борсам, сочимни олмайди, қассоб эт бермайди, баққол туз. Уйдан чиқолмай қолдим. Яхшиям ола сигир боракан, ўмаса очимиздан қотардик.

Хўрликларим келди… Аробамни ҳайдаб чиқиб кетдим. Мана, бир йил бўлди, эгасиз товни орасида ғорни уй қилиб тентираб юрибман...

Шайх ичидан зил кетди. Кўз ўнгида Қуръон ушлаб, масжид айвонида қасам ичиб турган Шаҳобиддин ҳожи, толиби илмлар ҳақига хиёнат қилиб мадраса ҳовлисига тирриқ эчки етаклаб кирган Ашрафхон қози, мана бу ғариб қорлуқнинг кулбасига панжа ураётган имом ўтди.

У кофар йигитга тикилди.

– Менга қаранг, йигит.

Қорлуқ қўлидаги чўп билан ер чизиб ўтирган эди, бошини кўтарди.

– Сизни бир ўй безовта қилиб турибди. Бу тақсирлар мени динга қайтаргани келган деб хаёл қиласиз. Бу хаёлингиздан кечинг. Мен сизни исломга даъват қилмайман. Шукриллоҳким, жоҳилият даври оёқлади. Ислом мана бу оқар сувдек ҳаёт элтувчи дарёдурким, ташнаком кимсалар унга интилгайлар. Имон ва яхшилик тилаган, поклик ва савоб излаган ҳар бир банда борки, муродини исломдин топкай. Ислом бамисли бир улуғ дарахтдирким, анинг мевалари беадад. Баъзи дилозор, очкўз золим имомлар чин мусулмон эмас, балки шайтони лаъинга қўл берганлардир. Аллоҳ буларнинг жазосини бергай.

Қорлуқнинг қайсарлиги тутди.

– Ҳузур, тақсир, гапингизни бўламан, ил… (у эски одати бўйича илоё, деб юборишига оз қолди) ишқилиб дардингиз бўлингай. Бундин чиқди, биров мени уриб-сўксa чидашим карак, ғиринг демай, мўйнимни ийиб турай, овзимдаги нонимни юлиб олсаям, қуллуқ тақсир, энди нон емайман, деб очимдин тиришиб ўлишим керак экан-да? Мен бунга рози эмасман. Қўл кучинг билан эл қатори кун кўрай десанг, қўймаса, ҳар куни бошингда Қуръон оятини таёқдай ўйнатиб турса... Бундай динни не қиламан? Дини ислом биздай усти юпун, оёғи яланг, қурсоғи оч кимсаларни ёқлаши каракми, йўқми? Қуръон ким учун ёзилган ўзи? Ёлғон муллалар учунми ё ҳамма учунми?

– Қуръони карим Аллоҳнинг сўзи. Ул барчага вожиб. Шоҳга ҳам, гадога ҳам. Алломага ҳам, авомга ҳам, авлиёга ҳам, дарвишга ҳам. Бир диёнатсиз қози, сотқин муфтий, нодон мулла, баднафс оқсоқол ислом кўзгуси эмас. Осмондан ёмғир ёғса, жумла олам баҳра олади, қирларда турфа гиёҳлар кўкариб чиқади. Бу кўкатлар ичинда мана бу меҳригиёдек одамга малҳам бўладигани ҳам, тотсангиз заҳарлаб ўлдирадигани ҳам бўлади. Худди шундоқ, тўққиз фалак эгаси одамларни ҳам яхши-ёмон қилиб яратмиш. Бири доно, бири жоҳил, бири сахий, бири қурумсоқ, бирининг кўзи тўқ, бириники оч. Бири қаноат соҳиби, ўзгаси нафс бандаси, бири ҳаё билан андишадин либос кийган, тағин бири шармандаликни касби ҳол қилиб олган... Не чорангиз бор? Сиз бир каззоб имом туфайли диндан чиқибсиз. Бундан ул каззобнинг гуноҳи камаймади, сизнинг-да, қимматингиз ортмади. Имом сизни хўрлаган бўлса, билингки, ул эл орасида қарғишга қолди. Мазлумнинг илтижоси ҳаргиз мустажоб бўлгай. Кентингизга бориб қози билан имомнинг бугунги ҳолатини суриштиринг. Ё имомликдин қувилган ё бир балога гирифтор бўлган. Бир ғарибни йиғлатган золимнинг кулиб юришини Аллоҳ хуш кўрмагай. Алқасосул минал ҳақ, ҳар кишига ажру мукофот бор.

– Ўмаса не қил дейсиз?! – қорлуқнинг хуноби ошди. – Бошимни тошга уриб ёрай десам, икки норасиданинг уволига қосам.

– Туркнинг мақоли бор. Адашсанг – кўпчилик билан адаш, дейди. Кўриб турибмиз, бир йилда гадо бўлибсиз, икки йилда адо бўласиз.

Қорлуқ бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади. Шу пайт олисда от кишнади. Қорлуқ ялт этиб ўгирилди, сувнинг нариги бетида саман от минган оқ қалпоқли бир киши турарди. Саман ер тепиниб кўкка сапчийди, суворий тизгинни тортиб бир қўлини ҳавода ўйнатиб ҳайқирди:

– Ҳе-ей, қор-лу-уқ! Жонинг боорму-у?!

От тағин чўзиб кишнади. Отлиқ такрор товуш берди:

– Ҳа-ҳа-ҳў-ў-ўй!!.

Қорлуқ йигит ирғиб турди. Ранги дув қизарди, кўзларида тўсатдан ғазаб чақнади. Тўрт сакраб сув бўйига борди. Соҳилдаги кишига бир тикилди-да, қўлларини оғзига карнай қилиб жавоб қайтарди:

– Жо-о-он!.. Ҳа-ҳа-ҳай!..

Илдам изига қайтди. У ёқ бу ёққа алангланди.

– Ҳузур, тақсирлар, – деди ҳовлиқиб, – ман бормасам бўлмайди. Қорлуққа бало келибди. Мен кетдим. У елиб ичкарига кирди. Нималардир тарақлади. Қорлуқ билагига катта ўрма қамчи ўтқазиб чиқди. Капа сиртидан чилвирни олиб, тез-тез белига боғлади. Кумуш баркашдек ялтираб турган офтобга шоша-пиша эгилиб салом берди-ю, лўкиллаб сой бўйига қараб кетди.

(Давоми бор).

“ҲАШАМАТЛИ ҲАЁТ СИНДРОМИ...”

Шундай синдром борми? Китобларда йўқ, бироқ ҳаётда бор. Сўнгги пайтларда 17-20 ёшга етган ўғли ёки қизининг хулқидан норози бўлиб келаётган ота-оналар сони кўпайган. Мана бу ўғлимни (қизимни) бир кўриб қўйсангиз, хулқига тушуна олмай қолдим, егани олдида, емагани ортида, машина олиб бериб қўйганмиз. Энг яхши ноутбук ва смартфон олиб бердик, зўр институтга киритиб ҳам қўйдик, ҳашаматли уйимиз бор, тоғ ёнбағрида дала ҳовлимиз бор, уйда бир иш қилай демайди, қилса ҳам чала қилади, чиройли ва қиммат кийинишни хуш кўради, кўчадан бери келмайди, ҳатто овқатланган идиш-товоғини дастурхондан олиб ҳам қўймайди, иш буюрсанг хафа бўлади, укам ёки опам қилсин, дейди, қаттиқроқ қойисанг, уйдан чиқиб кетади.

Ахир менинг ҳам, отасининг ҳам болалиги оғир кечган, олти фарзанд эдик, ҳалол меҳнат эвазига қийинчилик билан шу даражага эришганмиз, бир-биримизга жуда меҳр-оқибатли бўлганмиз. Бунга қанча меҳр берсак ҳам, худбин бўлиб бораяпти. Ҳатто жума намозига қатнайди. Тавба, шунда ҳам ўзгармади. Отаси қаттиққўл бўламан, деб бир-икки марта урушиб берган эди, ёнига йўламайдиган бўлди ва ёмон кўриб қолди. Бирор маротаба касал қилмай ўстирганман, бироқ биз касал бўлиб қолсак, иши ҳам йўқ. Айтинг, нега болам шундай, бунга на психотерапевт, на муллага ўқитиш, на буваси ёки бувисининг ўгити ёрдам берди. Биз мурожаат қилмаган одам қолмади. Ахир ёмон тарбия бермаган бўлсак, меҳримизни кўриб билиб турган бўлса. Нима қилайлик? Наслимиз ҳам тоза! Нима қилишни билмай қолдим. Бу нима ўзи? Руҳий касалликми? Тарбиядаги нуқсонми?

Буни мен “Ҳашаматли ҳаёт синдроми”, деб номлаган бўлардим. Асосий сабаби, албатта, бу – тўқ оила!

“Ҳашаматли ҳаёт синдроми” ривожланишига туртки бўлувчи асосий омиллар:

1. Уйда хизматкорнинг мавжудлиги ва болани меҳнатга ўргатмай катта қилиш;
2. Илк болалик даврида уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш;
3. Нопок йўллар билан топилган пуллар эвазига боқиш;
4. Боланинг хархашаларини сўзсиз бажариш;
5. Бола олдида ўзаро баҳслашавериш;
6. Болалик давриданоқ қимматбаҳо нарсаларга ўргатиш ва сотиб олиб бериш;

7. Топиб келинган пулларни боланинг олдида санаш;
8. Ота-онанинг ишдан кеч қайтиши ва ҳоказо.

Хўш, нима қилиш керак? Ўғил ёки қиз ақлли-ҳушли бўлиб ўсиб-улғайсин, деб, не азоблар билан эришилган ҳашаматли ҳаётдан воз кечилсинми?

Ҳашаматли ҳаёт синдромининг олдини олиш йўллари:

1. Бола уч ёшга тўлгунга қадар ишламанг, вақтингизни бола билан ўтказинг. Болани кўкрак сути билан боқинг, меҳр билан эмизинг, сут билан нафақат озиқ моддалар, балки онанинг меҳри ҳам ўтади. Эмиб катта бўлган бола онага ҳам, отага ҳам меҳрли бўлади. Эркак эса на ҳомиладор аёл, на бола эмизадиган аёл билан урушмасин, уни ҳафа қилмасин. Бола онанинг қорнида ҳаммасини эшитиб ётади ва миясига ёзиб қўяди. Шунингдек, жанжал пайтида қонда тўпланган адреналин ва бошқа заҳарли моддалар болага йўлдош орқали, туғилгандан кейин сут орқали ўтади.
2. Уч ёшгача бўлган болани қандай тарбиялашни билмасангиз, китоб дўконига боринг. Ҳозир бундай китоблар кўп ва нафақат жисмоний парвариш балки, руҳий парвариш ҳақида маълумотлар бор.
3. Илк болалик даврдан бошлаб қўлини кўксига қўйиб салом беришни ўргатинг ва чиройли қилиб алик олинг.
4. Бола қўлига қошиқ тутишни ўрганган кундан бошлаб уни меҳнатга ўргатинг ва рағбатлантириб боринг;

А) асалим, анавини олиб бер;

Б) бўталоғим, анави нон ушоқларини тўплай оласанми?

В) қани, иштонингни ўзинг кийиб кўрчи;

Г) манави нарса ҳалол, манави нарса ҳаром, ва ҳоказо.

Шуни эсда тутинг:

10-12 ёшгача бола ота-она айтганини қилса, ундан сўнг ўз билганини қилади. Кейинги тарбия – бу кечиккан тарбия. Китоб болани илмли қилса, меҳнат уни тарбиялайди. Шунинг учун бола эсини танигандан меҳнатга ўргатинг.

Мен “Ҳашаматли ҳаёт синдроми” деган касалликдан фарзандингизни фориғ қилиш йўллари ҳақида аниқ тавсия ёзиб бера олмайман. Бу жуда қийин масала. Бироқ, ушбу китобда турли психотерапевтик усуллар ҳақида ёзганман. Улардан фойдаланиш мумкин. Ҳар ҳолда тарбия фани энг қийин фан эканлигини унутманг. Эрта тарбия, эрта тарбия ва яна бир бор эрта тарбия! Сўзимни буюк мутафаккир Рудакий айтган ушбу мисралар билан тугатмоқчиман: “Гар киши ҳаётдан олмаса таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим”. Шундан хулоса чиқариб олаверинг.

Зарифбой ИБОДУЛЛАЕВ,
профессор.

БИЫЛ МӘМС ҮШІН ҚАНША ТӨЛЕЙДІ?

МӘМС төлемдері бойынша ставкалар өзгеріссіз қалды, бірақ 2024 жылдың 1 қаңтарынан бастап еліміздe ең төменгі жалақы (ЕТЖ) мөлшері ұлғайды. Ол бірнеше төлемнің көлеміне әсер етті. Әлеуметтік медициналық сақтандыру қорында үстіміздегі жылы қазақстандықтар медсақтандыру үшін қанша төлеу керектігін айтып берді.

Жұмыс берушілер қызметкер үшін жалақының 3% мөлшерінде аударымдар жүргізеді, бұл ретте салық салынатын ай сайынғы табыс 10 ЕТЖ (2024 жылы 850 000 теңге) аспауға тиіс, яғни жұмыс берушінің аударымдарының ең жоғары төленетін сомасы айына 25 500 теңгені құрайды.

Бұл қаражат қызметкердің жалақысынан ұсталмайды, оларды жұмыс беруші кәсіпорын есебінен төлейді.

Азаматтық-құқықтық сипаттағы шарты негізінде қызмет көрсететін жалдамалы жұмыскерлер мен қызметкерлер МӘМС-ке ай сайынғы табысының 2% мөлшерінде жарна төлейді. Салық салу объектісі барлық жұмыс орындарынан айына 10 ЕТЖ (2024 жылы 850 000 теңге) аспауы тиіс, яғни қызметкердің жалақысына қарай, төлейтін ең жоғары жарнасы 17 000 теңгені құрайды.

Жеке кәсіпкерлер 1,4 еселенген ЕТЖ-дан 5% төлейді. 2024 жылы: (1,4 * 85 000) * 5% = 5 950 теңге.

Егер жеке кәсіпкер есептілікті «нөлмен» тапсырса, бірақ өз қызметін ресми түрде тоқтатпаса, онда ол Салық кодексі талап еткендей жарналарды төлеуді жалғастыруы керек екенін есте ұстаған жөн. Әйтпесе, қарыз пайда болады.

Дербес төлеушілер ең төменгі жалақының 5% көлемінде, яғни 4 250 теңге жарна төлейді.

Естеріңізге сала кетейік, МӘМС жүйесінде сақтандырылу үшін өткен 12 айдың берешегін жабу керек немесе алдағы 1 жылға жарна төлеуге болады. Бұл жағдайда төлемді әр айға жеке-жеке төлеген жөн.

1 қаңтардан БЖТ қолданылу мерзімі аяқталғандықтан, өзін-өзі жұмыспен қамтығандар мәртебені екі жолмен ала алады:

- жеке кәсіпкер ретінде тіркелу және жарналарды ЖК ретінде төлеу;
- жарналарды дербес төлеуші ретінде төлеу.

Мемлекет 15 жеңілдік санатына кіретін азаматтар үшін 2024 жылы 5852,63 теңге жарна төлейді.

ЕКІ ЖЕРДЕ ЖҰМЫС ЖАСАСА, ЖАРНАЛАРДЫ ҚАЛАЙ ТӨЛЕЙДІ?

Кейбір азаматтар екі жерде жұмыс істейді. Бұл жағдайда төлемдерді есептеу үшін шекті табысты ескеру керек – ол 10 ЕТЖ (2024 жылы 850 000 теңге).

МӘМС-ке аударымдар әр жұмыс орнынан аударылады, бірақ 25 000 теңгеден аспауы керек (850 000 теңгенің 3%).

Ал жарналарды есептеу кезінде барлық жұмыс орынынан түсетін ортақ табысы ескеріледі, яғни әр айға жарна 17 000 теңгеден аспауы тиіс (850 000 теңгенің 2%).

Қызметкер төлемдерді дұрыс есептеу үшін бірінші жұмыс орнынан екіншісіне анықтама тапсыру керек.

Мысалы, қызметкер А ұйымынан 550 000 теңге жалақы алса, Б ұйымынан 400 мың теңге түседі. Оның ортақ табысы 950 000 теңге, яғни, шекті салық салынатын кірістен жоғары.

Бұл жағдайда бірінші жұмыс беруші 11 мың теңге көлемінде жарна ұстап, 16 500 теңге көлемінде аударым жасайды.

Екінші жұмыс орнында оған 6 000 теңге (жарнаның ең жоғары мөлшері 17 мыңнан төленген 11 000 теңге жарнаны шегергенде) жарна төлейді.

Аударымдардың мөлшері 18 000 теңгені құрайды (аударымдарды есептеу үшін табыс қосылмайды).

Сондай-ақ, ресми қызметінен бөлек, жеке бизнесі бар жеке кәсіпкерлер де бар. Бұл жағдайда қызметкердің жалақысынан қажетті жарналар мен аударымдар төленеді әрі Салық кодексі талап еткендей жеке бизнесі үшін төлеуі қажет.

С.КАРИМОВ,
«Қарабұлақ»
Сайрам аудандық
ауруханасының
СӘСҚ маманы.

>>> Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Дуғлот таваллудига – 525 йил

Биз билган ва билмаган Дулатий...

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Дуғлот (1499-1551) – XVI асрдаги атоқли муаррих, адиб ва давлат арбоби, машҳур “Тарихи Рашидий” асарининг муаллифидир.

Султон Саййидхон хизматида эканлигида Мирзо Ҳайдар Бадахшон, Кофиристон, Тибет, Кашмирларга бир неча ҳарбий юришларни бошқарган.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Дуғлот яшаб, ижод қилган даврга хаёлан саёҳат қиламиз.

1533 йил. Қоронғилик қаърида ёнаётган шаҳар. Ой тутилиб, қиёматнинг сўнгги белгилари кўриниб, сукунатга уланиб кетади. Улуғ одамлар дунёдан ўтганда табиат кўз ёши тўкиб, аза тутиши маълум. Одамнинг сўнгги тин олиши эшитилади. Тепадан тушган сокин ёруғлик ва зулмат қоришмасида одам кўланкаси кўзга ташланади.

Адабиёт осмонида яна бир юлдуз сўнди! Мирза Ҳайдар ибн Муҳаммад Ҳусайн исми тарих зарварақларига битилди. Унинг умрига зомин бўлган жаллоднинг исми ҳам у билан ёнма-ён туради. Бирига келгуси авлод олқиш айтиб, одамзод ҳурматини йўлласа, иккинчисига халқнинг қарғиши ва даврнинг лаънати ёғилади.

...Тибет тоғлари. Олисдан қамалдаги Кардун элас-элас кўзга ташланади. Юз-кўзларини совуқ урган, совут-кийимлари қонга беланган аскарлар ўтмоқда. Ёнида шериклари билан Муҳаммад Ҳайдар (36 ёшларда) кўринади.

МУҲАММАД ҲАЙДАР: Қачон тугаркин бу жангу жадал?

Хонага Искандар (Саид хоннинг кичик ўғли) киради.

– Искандармисан? Ваҳимага қўйдингку, одамни. Жанг бориши қалай, Кардун тош қамалини ёриб ўтиш мумкинми?

– Жангу-жадал тугади, Ҳайдар оға. Кардун таслим бўлди.

– Қандай? Ахир Ҳиндистон томонлардан Кардунга уч минг аскар кўмакка келди деган хабар олиб, қаттиқ хавотирланиб ўтиргандим.

– Ўша кўмакка келган қўшин масала тақдирини ҳал қилди, Ҳайдар оға.

– Бунинг қандай жумбоқ, дурустлаб тушунтирсангчи, Искандар! Ёрдамга келган аскарларнинг бошлиқлари кашмирликлар экан. Оддий халққа қилган яхшиликларингизни кашмирликлар унутмабди. Улар исмингизни эшитган заҳоти тўп-тўп бўлиб биз томонга ўтаверишибди.

– Дуруст бўлган экан! Мана булар кимлар?

– Булар ўша кашмирликлар. (Улар ёппасига таъзим қилишади) Ана, кўрдингизми? Биз тарафга ўтишгандан буён бир марта бўлса ҳам Муҳаммад Ҳайдарни юзмаюз кўрсатасиз, деб ҳол-жонимга қўйишмайди.

МУҲАММАД ҲАЙДАР:

– Қани, турингглар-чи! Худога шак келтирмай яшанглар. Бундан буён ёлғиз Аллоҳни тан олайлик. Агар бу гапимни уқмасанглар, бурунги кофир ҳолатингларга қайтингларда, бошинглар оққан томонга кетаверинглар! (Яна ғамхўр қиёфага кириб) Кашмирликмисизлар?

– Ҳа, кашмирликлармиз, тақсир.

– Яратганнинг шарофати билан яралган, жаҳоннинг бор гўзаллигини ўз бўйига жамлаган жаннат ўлка-ку, Кашмир! Бундай ўлкада ажал кучиб, тупроқ буюрган жоннинг армони йўқдир!

Кашмирликлардан бири ўзини Кважа хожа деб таништирди.

– Кашмирни сизлар босиб олганда, нимасини яширайлик, қаттиқ қайғурганимиз рост. Бироқ оз муддат ичида амалга оширган эзгу ишларингизни кўриб, Кашмирни илгари бошқариб келган амалдорлардан кўра, халқ сизни яқин тута бошлади, – деди.

– Бу энди маддоҳлик! Элини босиб олганни ким дўст деб билади?

– Билмасам гапирмайман. Элни ҳолдан тойдирган солиқларнинг барига барҳам бериб, эҳтиёжманд одамларга хазинадан кўмаклашдингиз. Бийлик талашиб, халқнинг энсасини қотирган амалпарастлар пойгасига чек қўйиб, тартибга солдингиз. Шунча меҳнатингиз сингган Кашмирни нега ташлаб қўйдингиз? Мана шу савол элнинг дилида қолдику, Муҳаммад Ҳайдар мирза!

– Режаларимиз бисёр эди. Биргина Кашмир эмас, оёғимиз етган ернинг барчасида шундай адолатли ҳаёт ўрнатмоқчи эдик. Саид хоннинг мақсади ҳам шу эди. Бу фақат Саид хоннигина эмас, унгача ўтган Қултегин, Одил подшо, Чингизхон, Амир Темурларнинг ҳам эзгу ниятлари бўлган. Кашмир аскарини бошлаб келган сенмисан? Исминг ким?

– Кважа Хожаман.

– Бундай бўлсин, Кважа Хожа. Шу ерда қоламиз десангиз ҳам, элга қайтамиз десангиз ҳам, ихтиёр ўзингизда.

КАШМИРЛИКЛАР: Раҳмат сизга, серҳиммат Муҳаммад Ҳайдар мирза! Аллоҳнинг раҳмати ёғсин сизга!

Кашмирликлар хайрлашиб, чиқиб кетишади.

– Ҳайдар оға, отамни соғиниб юрибсизми дейман? – дейди Искандар.

– Мен учун Бобур подшо билан сенинг отанг Саид хоннинг ўрнини ҳеч ким босолмайди, Искандар. Лекин менга бошқа нарса айтмоқчисан, шекилли, Искандар?

– Айтишга қийналиб турган эдим. Кечаги қақшатгич жангда жигарингиз Абдулла ҳалок бўлди.

– Абдулла!? Ёлғизимми? Ёлғизгина жигарим! Икки ёшда онамиздан, саккиз ёшда отамиздан айрилиб, ортимиздан шам олиб тушган Муҳаммад Шайбонийнинг жаллодларидан аранг қочиб, жон сақлаган эдик. Кенжамиз Шоҳ Муҳаммадни қонхўр Абу Бакир хон олти ёшида қатл қилди. Ҳалок бўлдингми, Абдулла? Мана, тақдир қисқа фурсат ичида энг яқинларимнинг барини қайта тортиб олди-да, аввалги етимга айлантирди Ҳайдарни.

– Ундай деманг, Ҳайдар оға. Мен-чи, Абдурашид-чи, Хонимой опам-чи? Муҳаммад Ҳайдарнинг жасоратидан ибрат олиб, ортидан эргашган бутун бошлиқ қўшин-чи?

– Бўлди, бўлди, Искандар. Эркак бўлиб туғилгач, эркак бўлиб ўлиш фахр. Юрак-бағрим ёниб, озгина довдираб қолдим, шекилли. Бўлмаса, қонли қирғинда қирилганларнинг қай биридан жигаримнинг жони ортиқ?

(Қўшимча маълумот)

Помир тоғлари орқали қийинчилик билан Бадахшон ўлкасига етган Муҳаммад Ҳайдар ёз тугаётган куни кечаси Бобур бошқараётган Ҳинд ерига сафар қилди. Бироқ бир-бири билан доим уришгани-уришган, аразлашиб юрадиган Ҳумоюн билан Комроннинг баракасиз ишлари Бобур ўрнатган Буюк хонликни ҳам барбод қилишга оз қолди. Деҳлида ака-ука икки подшоҳнинг аҳилликка чақиргани билан ҳеч нарса ўзгармади. Шу сабабли афғон қабилаларининг сардори Шер Шоҳ билан бўлган урушда Бобурнинг ўғиллари енгилди.

Кважа Хожа кашмирликларни тўплаб, йиғилиш ўтказади.

– Ушбу улуғ одамни бизга Худо йўллагани рост. Шу туфайли қисқа давр ичида Кашмир жаннатга айланди. Халқнинг қорни тўйди. Ёвузлик тўхтатилиб, ҳеч бир ёв боса олмайдиган кучли элга айланди. Деярли ёввойилашган тиланчи халқнинг маданияти қайта тикланиб, қўшни давлатлар қизиқиш ва ҳурмат билан қарайдиган бўлди. Буларнинг ҳаммаси ким туфайли?

– Бунинг ҳаммасини ёлғиз Муҳаммад Ҳайдар амалга оширмагандир?

– У келгунга қадар шундай яшасанглар бўлмасмиди? Бийлик талашиб, боёқиш Кашмирни нимталаш қилгандинглар-ку!

– Мақсадга кўч!

– Энди уни йўқотиш керак. Эртага мўғулнинг товони остида топталади Кашмир ўлкаси. Ўлдириш керак уни, сўнг ҳурматини жойига қўйиб кўмиш керак.

Кашмир туман оғушида. Амир саройи дарвозасидан чиққан Муҳаммад Ҳайдар ва Кважа Хожага қиличларини ялонғочлаб, уч-тўрт одам қарши чиқади.

– Чиқар қиличингни қинидан! – дейди улардан бири.

Жанг бошланади. Муҳаммад Ҳайдар қипчоқнинг уруш усулларига қўша Тибетнинг якка кураш усулларини ўрганган эди. Тўрттовини ҳам турли усул-ҳийлалар билан тўрт бурчакка тиз чўктирди.

МУҲАММАД ҲАЙДАР: Сизларни ўлдирмайман. Бу ишим хатодир, балки. Энди йўлимда турманглар. Халқнинг онгини сизлар сочган оғудан тозалашим керак (Узоқлаша бошлайди).

Баландликка кўтарилиб бораётган Муҳаммад Ҳайдарни тўртовлон камондан нишонга олади. Камон ўқларидан бири орқасига қадалган Муҳаммад Ҳайдар бир силкиниб тушади.

МУҲАММАД ҲАЙДАР: Аттанг, уларни омон қолдириб, хато қилган эканман.

Кважа Хожа: Биз ҳеч қачон бир-биримизни тушунмаймиз, Муҳаммад Ҳайдар. Кашмирнинг ер юзидан йўқолиб кетмай, бугунги даражага етгани учун, сўзсиз, сендан қарздормиз. Сени етказган Улуғ ўлкага тиз чўкиб, таъзим этамиз!

Олимжон ФАХРИДДИНОВ,
Шароф Ниёзов номли
умумтаълим
мактаби ўқитувчиси.
Туркистон шаҳри.

>>> Хотираобод

ҚУРБОН ҲАЙИТИДА ТУҒИЛГАНДИ

Фаол обуначимиз Қурбонбой Жалилбой ўғли (тасвирда) 1948 йили сентябрь ойида Чўбоноқ қишлоғидаги Жалилбой Абдураим ўғли ва Мариям Турмат қизи хонадонида Қурбон ҳайити куни дунёга келган. Бошланғич таълимни қишлоқ мактабида олиб, сўнг Туркистон шаҳридаги А. Навоий номли мактабда давом эттирди.

Абдулла Мауленов, Муталлиб Давлетов, Мурод Баҳромов, Баҳодир Ҳакимов, Мурод Отахонов, Мирвоҳид Орзуметов каби фаол обуначиларимиз билан бир синфда ўқиди. Падари бузруквори, услубиятчи-ўқитувчи Жалилбой Абдураимов А. Навоий номли мактабда 42 йил самарали меҳнат қилиб, кўп иқтидорли шогирдлар тарбиялаган эл эътиборидаги устоз эди.

Қурбонбой Абдураимов Тошкент темир йўл институтини 1973 йили тамомлагач, йўлланма билан Қарағанди вилоятида темирйўл қурилишида меҳнат қилди. 1975 йилдан А. Яссавий мақбарасини таъмирлаш корхонаси, сўнг жамоа хўжалиги қурилиш ташкилотида муҳандис, РМЗ (таъмирлаш-механика заводи)да қурилиш соҳаси раҳбари, “СМП – 313”да бош муҳандис сифатида меҳнат қилди. Туркистон шаҳрининг 1500 йиллиги арафасида кўп улкан қурилишларга муносиб ҳисса қўшди.

Шаҳардаги А. Навоий номли мактабда кўп йиллар устозлик қилган ўқитувчи Ҳидоят Норчабоева билан турмуш қуриб, тўрт ўғилни тарбиялаб, неваралар кўрган пири бадавлат оила соҳиби эди. Тўнғич ўғли, обунада фаол жонкуяримиз Равшан Туркистон шаҳридаги Шароф Ниёзов номли мактабда директор ўринбосари,



Рустам – мебель корхонасида менежер, Фозил кўз шифокори, Жаҳонгир ўқитувчи. Барчаси “Жанубий Қозоғистон” газетасининг фаол муштарийлари.

Ҳаётини қурилиш, бунёдкорлик соҳасига бахшида этган Қурбонбой Жалилбой ўғли жорий йили рамазон ҳайити кунлари оламдан ўтди.

Унинг ёрқин хотираси ўзи барпо этган, таъмирлаган иншоотлар тимсолида, шогирдлари, фарзандлари, қариндош-уруғлари, дўстлари қалбида мангу барҳаёт.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!

ОТАЛАР СЎЗИ – АҚЛНИНГ КЎЗИ

ЁКИ ТУРКИСТОНДА ФАОЛ ОТАХОНЛАР САЙЁР ЧОЙХОНАСИ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

Ўранғай қишлоқ оқсоқоллар кенгаши раиси, фаол обуначимиз Обиддин Фахриддиновнинг ташаббуси билан ийди рамазон ҳайитидан сўнг Туркистон шаҳридаги соҳибқирон Амир Темур бунёд эттирган Ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси ёнида Саврон тумани ҳамда Туркистон шаҳри ўзбек этномаданият бирлашмалари фаолларининг учрашуви ўтди.

Райимжон Қўчқоров ва Қурбонбой Ирисбеков раҳбарлик қилаётган Туркистон шаҳар ҳамда Саврон туман ўзбек этномаданият бирлашмалари фаоллари – Бобожон Ёқубов, Ўсар Неъматуллаев, Айниддин Абубакиров, Ирисқул Аббосов, Одил Меҳмонов, Тошпўлат Зоитхонов, Фарҳод Абдуллаев, Жумадулла Абенов, Мирзахон Адҳамов, Абдулла Расулов, Абдуҳамид Умаровлар ҳамда шаҳар оқсоқоллар кенгаши раиси Тўлқин Саидмуродов, ўринбосари Ҳусан Убайдуллаевлар ташриф буюришди. 19 июнда ташкил этилганига олти йил тўладиган вилоятимиз маркази Туркистон шаҳридаги Яссавий мақбараси мажмуасида давлатимиз ғамхўрлиги билан зиёратчи ва саёҳатчилар учун зарур шарт-шароитлар, қулайликлар жаҳон андазалари даражасида яратилганлигини барча ғурур билан тилга олди. Туркистон шаҳри ҳар йили жами 5 миллиондан зиёд зиёратчи сайёҳларни қабул қилишга шай. Қулай ўриндиқлар, гулзорлар, фавворалар, анвойи дарахтлар, текис йўлаклар, ўнлаб ходимлар синчков назоратидаги саранжом-саришталик бу ерга ташриф буюрган ҳар бир зиёратчининг назаридан четда қолмайди.

"Жанубий Қозоғистон" газетаси бош муҳаррири Райимжон Алибоев отахонларга мустаҳкам соғлик-саломатлик тилаб, навбатдаги ярим йиллик обунасини ташкил этишга ёрдам сўралган таҳририят мактубларини тақдим этди ҳамда тадбиркор Мусриддин Турсунметовнинг мазали таомлари билан танилган "Дора-2" чойхонасида меҳмонларга ўз ҳисобидан тушлик бериб, отахонлар сайёр чойхонаси илк дастурхонига мезбонликни бошлаб берди. Кекса шоир, маориф соҳаси фахрийси Айниддин Абубакиров меҳмонларга бағишлаб ёзилган шеърларини диққат билан тинглаган мухлислар самимий олқишлар ила муаллифга миннатдорчилик билдиришди.

Давлатимизнинг тинчлик, тотувлик сиёсати, ёшларни иймон, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, тўй-таъзия тадбирларини ихчамлаштириш, тозалик, озодалик, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштиришга ҳисса қўшиш, китоб ўқиш, дўстлик, тотувлик, она тили, маънавиятга ҳисса қўшиш каби муҳим вазифалар тарғиботини мақсад тутган отахонлар сайёр чойхонаси ўз фаолиятини бошлади. Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Райимжон Қўчқоров оталар чойхонасининг навбатдаги анжуманини кўпчилик билан бамаслаҳат ҳолда 28 апрелда мезбон сифатида ўзи барпо этган А. Яссавий номидаги китобсеварлар клубида ўтказадиган бўлди. Фаол муштарийларимиздан Ирисқул Аббосов қаламига мансуб 500 саҳифалик "Умримдан хотиралар" китобининг тақдимот маросими ҳам ўша куни ўтади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

Шоҳбайт

"ДАҲР БОҒИ АРО КЎП ИСТАМАГИЛ АЙШУ ТАРАБ –
КИМ, ГУЛИ ШУЪЛАИ ҒАМ, ҒУНЧАСИДИР ХОРИ ТААБ".

Алишер НАВОИЙ.

(Маъноси: "Бу дунё боғидан кўп ҳам айшу қувонч истама, унинг гули – ғам шуъласию, ғунчаси – қайғу тиканидир").

Фақат факт

ЭМОМАЛИ РАҲМОННИНГ ФАРМОНИ БИЛАН:

Муножот Йўлчиева, Юлдуз Усмонова, Озодбек Назарбеков ва Оғабек Собировлар Тожикистон халқ ҳофизи, Ёдгор Саъдиев эса, Тожикистон халқ артисти унвони билан тақдирланди.

Юксак унвон муборак!

Ҳикматлар

- *Эркаклар қонунларни яратади, аёллар – аҳлоқни.*

Франсуа ГИБЕР.

- *Ҳақиқий эркак ҳамма вақт аёл хоҳлаган нарсага эришади.*

Геннадий МАЛКИН.

- *Эркаклар фикрлайди, аёл бунга сабаб топиб беради.*

Энрике ПОНСЕЛА.

- *Икки эркак ўзлари ҳақида гаплашишса, икки аёл учинчи аёл тўғрисида гаплашади.*

Янина ИПОХОРСКАЯ.

- *Аёллар эркакларсиз сўниб қолади, эркаклар эса аёлларсиз эсини йўқотади.*

Антон ЧЕХОВ.

"ЎЗИНИНГ ҲАҚЛИГИНИ БИРОН МАРТА ИСБОТЛАЙ ОЛМАГАН ОДАМ БОШҚАНИ ҲИМОЯ ҚИЛОЛМАЙДИ".

Омон МАТЖОН.

Гапириш одоби ҳақида ҳикматлар

- ***Кўз билан кўрмаган, фақат эшитганини гапириш – гуноҳи азим.***

МУҲАММАД алайҳиссалом.

- ***Уч нарса қалбни ўлдиради: кўп ейиш, кўп ухлаш ва кўп гапириш.***

Фузайл ибн ИЁЗ.

- ***Одамларни икки нарса бузади: бойлик ҳирси ва кўп гапириш.***

Иброҳим НАҲАИЙ.

- ***Эзмалик – инсон назаридан қолиш учун қисқа ва энг ишончли йўлдир.***

Ла БРУЕР.

Хушхабар!

ТАСАННО, ҲИЛОЛАХОН!

Астана шаҳрида 84-сонли мактаб-лицейининг 11-синф рус гуруҳида таҳсил олаётган туркистонлик Ҳилола Бахтиёрова қозоқ тилидан республика фан олимпиадасида фахрли 2-ўринга ноил бўлди.

ҚР Маориф вазири Ғ. Бейсембаев шахсан ўзи Ҳилолахонни мубораклаб этаркан, унга муваффақиятлар тилади.

Биз ҳам ўз навбатида уни қутлаб, олий ўқув юртларида илғорлар сафида бўлишига тилакдошмиз. Ҳилолахондек оқила ва фозила неварани муносиб вояга етказаётган бува-бувилари – Туркистон вилоят ўзбеклари саркори Баҳодир Ирисметов ва таниқли тадбиркор Зулфия Сотиболди қизини ҳам мубораклаб этамиз.

Шерзод ПЎЛАТОВ,
Астана шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси.

ИМТИЁЗЛИ ТОИФАЛАР ҚАТОРИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Шимкентда 70 ёшдан ошган нафақадорлар ва мактаб ўқувчиларига жамоат транспорти бепул хизмат кўрсатади.

Ҳозир Шимкент шаҳрида жамоат транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи биринчи гуруҳ ногиронлари, яъни «Қаҳрамон она», «Алтын алқа», «Күміс алқа» нишонлари соҳибалари, кўзи ожизлар ва уларга ҳамроҳлик қилувчи шахслар ҳамда фронторти меҳнаткашларига берилган. 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган мактаб ўқувчилари 50 фоиз йўл ҳақи ва талабалар 50 тенге тўлайди.

1941 йил 22 июндан бошлаб 1945 йиллар оралиғида камида 6 ой меҳнат қилган фронторти меҳнаткашлари ҳам бу тоифага киритилади. Улар тоифасига яна сиёсий қатағон қурбонлари, иккинчи гуруҳ ногиронлари, ногирон болалар, 70 ёшдан ошган нафақадорлар ҳамда мактаб ўқувчилари ҳам киради.

"Жанубий Қозоғистон" мухбири.

Табобат

ПИЁЗНИ КЎПРОҚ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ЮРАК КАСАЛЛИКЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШИНИ БИЛАСИЗМИ?

1 стакан пиёз суви 1 стакан асалга аралаштирилади. Салқин жойда оғзи маҳкам беркитилган идишда сақланади.

Ҳар куни 1 ош қошиқда 3 маҳал овқатдан бир соат аввал ёки овқатдан 2 соат кейин ичилади.

Бу аралашма юрак хасталикларининг олдини олади.

МИЯ ФАОЛИЯТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Жуда оддий, аммо жуда самарали.

Олмани қирғичдан ўтказинг ва апельсин шарбати билан аралаштиринг. 10та ёнғоқ қўшинг. Кейин уларга 1 чой қошиқ асал қўшинг ва яхшилаб аралаштиринг.

Бир ой давомида эрталаб ва кечқурун оч қорнига бир ош қошиқдан қабул қилинг.

Сизни юқори қон босимидан қутқарадиган табиий маҳсулотлар:

- ***Кашнич.*** *Унинг таркибидаги каротиноидлар қон босимини пасайтиради .*
- ***Пиёз қобиғи.*** *Таркибида табиий равишда қон босимини пасайтирадиган моддалар мавжуд. Уни чойга ва овқатга қўшиш мумкин.*

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари: **Муроджон АБУБАКИРОВ**. **Авазхон БЎРОНБОЕВ.**

Масъул котиба – **Шаҳноза УСМОНОВА.**

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – **Шомирза МАДАЛИЕВ.** +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзоқ – **Рўзиохун МАДАЛИЕВ.** +7708-824-20-97.
Тўлебий – **Баҳорой ДЎСМАТОВА.** 8(72547) 6-07-16.
Қазиғурт – **Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.** +7701-447-37-42.
Сайрам – **Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.** +7702-278-96-90
Тулкибош – **Мунира САЪДУЛЛАЕВА.** +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – **Мухтабар УСМОНОВА.** +7701-257-36-97
Келес, Сариоғоч – **Малика ЭЛТОЕВА.** +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

● *Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.*
● *Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

«ERNUR-print» МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳкўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 11700 нусха.

Буюртма: 957.

Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОЕВА.